

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ
СОЛИҚ ҚҮМИТАСИ
СОЛИҚ АКАДЕМИЯСИ

СОЛИҚ НАЗОРАТИ

Тошкент
«Янги аср авлоди»
2010

67. 402 я 73

T-32

Тагаев А., Хашимото Ф., Рўзиев F., Хотамов К. Солиқ назорати. /Ўқув қўлланма. –Т.: «Янги аср авлоди», 2010. -84 б. (Ўзб. Республикаси солиқ қўмитаси. Солиқ академияси)

Ушбу қўлланма солиқ назоратининг асосий шаклларидан бири бўйланмаганинг биринчи бошланғич қисми ўқув қўлланманади. Унда солиқ текширувчининг методикаси, назарий, қонуний асослари тўғрисида батафсил маълумотлар берилган. Шунингдек, солиқ текшируви ва уни олиб борилиши тўғрисида солиқ тўловчиларга тааллуқли бўйланмаганинг асосида Япония давлати тажрибаларидан мисоллар келтирилган ҳолатда ёритилган.

Қўлланма солиқ тизими ўқув юртларининг ўқувчи ва талабалари учун мўлжалланган.

ББК 67. 402 я 73

*Мазкур ўқув қўлланма Солиқ академияси Илмий Кенгаши
томонидан нашрга тавсия этилган*

Тақризчилар:

С. БОЙМУРОДОВ,

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси Солиқ солиқ
услубини такомиллаштириш бошқармаси катта инспектори.

З. ҚУРБНОВ,

Тошкент солиқ коллеки директори, иқтисод
фандари доктори, доцент.

Б. ИСРОИЛОВ,

Солиқ академияси «Бухгалтерия ҳисоби ва аудит» кафедраси
мудири, иқтисод фандари доктори, профессор.

ISBN 978-9943-08-631-9

© А.Тагаев, Ф.Хашимото, F.Рўзиев, К.Хотамов. «Солиқ назорати». «Янги аср авлоди», 2010 йил.

КИРИШ

Иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида солиқлар ва бошқа мажбурий түловлар давлат бюджетининг асосий даромад манбалари ҳисобланиб, уларнинг түғри ҳисобланиши, давлат бюджетига түлиқ ҳамда ўз вақтида ўтказилиши устидан солиқ назоратини, шу жумладан, солиқ текширувларини амалга ошириш муҳим аҳамиятга эга.

Солиқлар ва солиққа тортиш ихтисослиги бўйича таълим ола-ётган Солиқ коллажлари ўқувчилари ва Солиқ академияси тала-балари солиқ органлари томонидан хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий хўжалик фаолиятини солиқ қонунчилигига риоя этиш нуқтаи назаридан назорат қилишининг ҳуқуқий, услубий ва ташкилий асосларини ўрганишлари лозим бўлади. Бунинг учун эса ўқувчи ва талабалар хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида солиқ назоратининг зарурлиги, унинг шакллари, солиқ текширувининг моҳияти, аҳамияти, муҳимлилиги ва унинг ўзига хос хусусиятлари бўйича етарли даражада малака ва кўнкималарга эга бўлишлари лозим. Қолаверса, солиқ маъмурчилигини тако-миллаштиришда тизим кадрлари саводхонлигини, уларнинг ма-лакасини ошириш муҳим аҳамият касб этади. Чунки мамлакати-мизда амалга оширилаётган солиқ ислоҳотларининг тадрижий ривожланиши ва Президентимиз томонидан белгилаб берилган солиқ сиёсатидаги устувор йўналишларни амалга ошириш ушбу соҳа мутахассисларидан чуқур иқтисодий билимга эга бўлишни талаб этади.

Муалифлар ва ЛICA эксперtlари томонидан тайёрланган ушбу ўқув қўлланма айнан юқоридаги масалаларга қаратилган бўлиб, жумладан, қўлланмада хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида солиқ назоратининг зарурлиги, солиқ текширувларини ташкил этишининг иқтисодий аҳамияти, муҳимлиги, текширишларни мувофиқлаштириш, ўтказиш тартиблари солиқ қонунчилиги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари асосида ёритиб берилган. Бу эса ўқувчи ва талабаларнинг солиқ назоратининг асосий шаклларидан бири бўлган солиқ текширувлари, уларни ташкил қилиш ва ўтказиш методикаси бўйича чуқур назарий билимга эга бўлишлари учун асос бўлиб хизмат қилади.

I. ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАР ФАОЛИЯТИДА СОЛИҚ НАЗОРАТИ ВА УНИТАШКИЛ ЭТИШДА СОЛИҚ ТЕКШИРУВЛАРИНИНГ ТУТГАН ЎРНИ

1.1. Солиқ назоратини ташкил этишининг объектив зарурлиги

Солиқлар ва уларга тенглаштирилган мақсадли фондларга ажратмалар давлат бюджетининг ва бюджетдан ташқари мақсадли фондларнинг асосий даромадлари ҳисобланади. Ўз навбатида давлат бюджети маблағлари давлатнинг жамият олдидаги муҳим вазифаларини амалга оширишнинг молиявий манбаидир. Демакки, давлат бюджети даромадларининг шаклланиши, унинг барқарорлиги жамиятнинг ривожланишига олиб келади.

Давлат бюджетининг барқарорлиги, солиқларнинг тўғри ҳисоблаб чиқарилиши, тўлиқ ва ўз вақтида тўланиши билан узвий боғлиқ бўлиб, ушбу йўналишда муваффақиятга эришиш солиқ қонунчилиги ҳуқуқий меъёрлари устидан солиқ назоратининг амалга оширилиши заруратини келтириб чиқаради.

Солиқ назорати – солиққа тортиладиган субъектлар ва обьектларни ҳисобга олишнинг, солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини, солиқларнинг, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари Пенсия ва Республика пул жамғармаларига мажбурий тўловларнинг тўғри ҳисоблаб чиқарилиши, тўлиқ ва ўз вақтида тўланишини назорат қилишдан иборат.

Ўзбекистон республикасининг «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги қонуннинг 2-моддаси «Солиқ назорати» деб номланган бўлиб, унга кўра:

Солиқ назорати солиққа тортиладиган субъектлар ва обьектларни ҳисобга олишнинг, шунингдек солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини назорат қилишнинг ягона тизимидан иборат.

Солиқ назорати давлат солиқ хизмати органлари томонидан солиққа тортилиши лозим бўлган субъектлар ва обьектларни ҳисобга олиш, солиқларга доир текширувлар ўтказиш, солиқ тўловчилар, бошқа шахсларни сўраб-суроштириш воситасида

ҳамда қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа шаклларда амалга оширилади.

1.2. Солиқ назоратининг шакллари

Солиқ назорати қуийдаги шаклларда амалга оширилади:

Солиқ тўловчиларни ҳисобга олиш;

солиқ солиш объектларини ва солиқ солиш билан боғлиқ объектларни ҳисобга олиш;

бюджетга ва давлат мақсадли жамғармаларига тушаётган тушумларни ҳисобга олиш;

камерал назорат;

нақд пул тушумлари келиб тушишининг хронометражи;

солиқ текширувлари;

фискал хотириали назорат-касса машиналарини қўллаш;

акциз тўланадиган айрим турдаги товарларни маркалаш, шунингдек айрим корхоналарда молия инспектори лавозимини жорий этиш;

давлат даромадига қаратилган мол-мулкни реализация қилишдан тушадиган пул маблағлари давлат даромадига ўз вақтида ва тўлиқ тушишини назорат қилиш;

бошқа мажбурий тўловларни ундириш вазифасини амалга оширадиган давлат органлари ва ташкилотлар устидан назорат қилиш.

Божхона органлари товарларни Ўзбекистон Республикасининг божхона чегарасидан олиб ўтилиши муносабати билан тўла-ниши лозим бўлган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ундириш бўйича солиқ назоратини ўз ваколатлари доирасида Солиқ кодексига ва божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширади.

1.3. Солиқ текширувининг моҳияти ва аҳамияти

Солиқ текшируви, унинг мазмун ва моҳиятини англаб етишимиз учун аввало биз «текшириш»нинг ўзи нима, унга қандай таъриф берилади, деган саволларга жавоб топишимиш лозим бўлади.

Текшириш деганда, маълум бир субъектнинг мавжуд қонунлар ва қонун ости ҳужжатларига қандай амал қилаётганлигини

назорат қилиш тушунилади. Ҳар бир субъектнинг у хоҳ юридиқ, хоҳ жисмоний шахс бўлсин, қонун ва қонун ости ҳужжатларига риоя қилишигини давлатнинг назорат ваколати берилган органлари томонидан текширилиб турилади. Ўз навбатида, ваколатли назорат органлари дейилгандага ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилишга қонун ҳужжатлари билан ваколат берилган вазирликлар ва идоралар тушунилади.¹

Текшириш бу – ҳўжалик юритувчи субъектлар томонидан қонунлар ҳамда ўз фаолиятини тартибга солувчи бошқа қонун ҳужжатлари қандай бажарилаётганлигини назорат қилувчи органларнинг бир марта назорат қилишидир.

Демак, текшириш ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилишнинг асосий йўл(шакл)ларидан бири ҳисобланади. Ўз навбатида, ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш қўйидаги йўллар билан амалга оширилади:

текшириш, шу жумладан тафтиш, муқобил текшириш, назорат тартибида текшириш;

статистика ахборотларини ва бошқа ахборотларни таҳлил қилиш;

идора қарамоғидаги органларни текширишдан ўтказиш.

Ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини статистика ахборотларини ва бошқа ахборотларни таҳлил қилиш орқали давлат томонидан назорат қилиш, шунингдек идора қарамоғидаги органларни текширишдан ўтказиш қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.²

Ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат ваколатли органлари томонидан текширишда солиқ органлари амалга оширадиган текширишлар муҳим аҳамият касб этади.

Солиқ текширувлари, асосан, маълум бир субъектнинг солиқ қонунчилиги нормаларининг ҳамда уларда белгиланган мажбу-

¹ Қаранг. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. «Ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида» №717-I, 1998 йил, 24 декабрь

² Ўша манба

риятларнинг қай тартибда бажарилишини назорат қилиш ҳисобланади. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида фуқароларнинг қонун билан белгиланган солиқлар ва маҳаллий йиғимларни тўлашга мажбурулиги белгилаб қўйилган.³

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексида эса солиқ солишнинг мажбурийлик принципи мавжуд бўлиб, унга кўра ҳар бир шахс (юридик ва жисмоний шахслар) Солиқ кодексида белгиланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашлари шартлиги кўрсатиб ўтилган.⁴ Бундан ташқари, Солиқ кодексида солиқ тўловчиларнинг мажбуриятлари белгиланган бўлиб, ушбу мажбуриятларнинг тўғри, тўлиқ ва ўз вақтида ҳамда ҳаққоний бажарилишини назорат қилиш солиқ текширувларини ўтказишнинг асосидир.

Солиқ текшируви – бу давлат солиқ хизмати органлари томонидан, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда эса прокуратура органлари томонидан амалга ошириладиган солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бажарилишини текширишдир.⁵

Агар солиқ текширувига кенгроқ таъриф берадиган бўлсак, у ҳолда солиқ текшируви – бу солиқ хизмати органларига тақдим этилган солиқ ҳисботлари ва солиқ тўловчиларга доир бошқа ҳужжатлар (молиявий ҳисботлар, декларациялар, тегишли идоралар томонидан тақдим этилган ҳужжатлар)даги маълумотларни текшириш бўлиб, солиқ органлари ходимлари томонидан уларга берилган қонуний ҳуқуқлар асосида умумий манфаатларга асосланган, ҳаққоний ва аниқ солиқ ундириш учун хизмат кўрсатиш мақсадида амалга ошириладиган текширишдир.

Шу билан биргаликда, солиқ текшируви солиқ сиёсатининг асосини ташкил қилувчи муҳим жараён ҳисобланиб, солиқ органи ва унинг ходимлари учун катта аҳамият касб этади. Агар аниқроқ айтадиган бўлсак, солиқ текшируви солиқ тўловчи томонидан тақдим этилган солиқ ҳисботлари ва декларацияларидаги

³ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. 51-модда.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси. 6-модда.

⁵ Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси. 85-модда.

маълумотларнинг қай даражада «ҳаққоний» эканлигини аниқлаштиришдир.

«Ҳаққонийлик» – бу солиқ тўловчининг топширган ҳисоботи ва декларациясида қайд этиб ўтган фаолияти, мулки ва топган даромадларини тўғри кўрсатилганигини ифодалайди. Бошқа сўз билан айтганда, солиқ текшируви – бу ҳисобот ва декларациядаги барча даромад ва харажатларнинг амалдаги қонунчиликка тўғри келадиган бухгалтерия ҳисоби асосида тузилганлигини тасдиқловчи текширувдир.

Америка иқтисодчиси Гарольд Мосс солиққа тортишни ҳаққонийлигини қўллаб-қувватлашнинг энг муҳим йўналиши сифатида қуйидагиларни илгари суради.

А) солиқ қонунчилиги ва ставкасига мувофиқ солиқ вақти (солиқ даври ва тўлаш муддатлари) барча солиқ тўловчилар ўртасида ҳаққоний тақсимланиши лозим.

Б) солиқ тўловчилар томонидан фаоллик бўлиши керак.

В) солиқ қонунчилигини аниқ ва ҳаққоний амалга ошириш учун кучли, фойдали ва ишончли солиқ органи тузилиши керак.

Мажбурий тўловлардаги ҳаққонийлик тушунчаси ҳозиргacha тортишувларга сабаб бўлмоқда. Ҳаққонийлик қандай бўлиши керак – вертикал ёки горизонтал? Бу саволга қандай жавоб бўлишидан қатъи назар, олимлар ва қонун ижодкорлари ҳалихануз бир тўхтамга кела олишмаган. Солиқ органлари учун амалдаги Солиқ кодексига қанчалик аниқ ва тўғри амал қилинаётганилиги энг муҳим ҳисобланади.

Молиячи, иқтисодчи олим ва мутахассисларнинг таъкидлашича, солиқларнинг даромадларни тақсимлаш ва бозор коньюктурасини тартибга солиш функцияси мавжуд. Биринчи функциясига тўхталарадиган бўлсан, у фақат солиққа тортишда намоён бўлади ва бунда солиқ текшируви муҳимлигини алоҳида таъкидлаш мумкин.

Солиқ текширувининг муҳим вазифаларидан бири бу аҳоли ўртасида солиққа тортишга бўлган ишончни шакллантиришдир.

Япония давлати солиқ тизимида қабул қилинган қоидага кўра, солиқ тўловчилар солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни ўзлари тўлдириган декларация асосида ўз хоҳишлари билан тўлайдилар. Бу тизим ўз-ўзидан ривожланиши ва оммалашishi учун солиқ тўловчиларда бухгалтерия ҳисоби ва солиққа тортишга оид билим шаклланиши, энг муҳими уларда солиқ декларацияларини

аниқ, түғри тұлдиришга бўлган хоҳиш бўлиши лозим. Бу эса ўз навбатида «Солиқ маданияти» дейилади.

Солиқ маданиятини ошириришда фуқаролар тушунчаларининг шаклланиши ва бир-бирларига ёрдам беришлари муҳимдир. Бу нафақат солиқ бошқарувига, балки, барча давлат идораларига тааллуқли. Ўз олдига қўйган вазифаларни ечиш учун аҳолининг ёндашуви ва тушуниши муҳим.

Яна шуни алоҳида таъкидлаш керакки, солиқ органларининг аниқ ва түғри фаолият юритиши учун фуқароларнинг бу ташкилотларга ва у ерда ишлайдиган ходимларига бўлган ишончи жуда муҳимдир. Фуқароларнинг ўз мол-мулкларини тасарруф этишларида солиқ органларининг бевосита иштирокини ҳисобга оладиган бўлсак, у ҳолда ишончнинг муҳимлиги яна бир бор ошади.

Иқтисодчи олим Гарольд Мосс таъкидлаганидек, талабларни қондириш учун давлат ихтисослаштирилган органлари нуфузини ошириши энг муҳим омил ҳисобланади.

Агар фуқароларнинг солиқ органларига бўлган ишончини қозона олинмаса, у ҳолда солиқ декларацияларини ҳаққоний тўлдирилишига ҳам эришиб бўлмайди. Солиқ органлари ва солиқ тўловчилар ўргасидаги ўзаро ишонч ушбу орган ходимларининг муносабатлари ва мулоқотлари асосида юзага келади. Солиқ тўловчилар солиқ ва бухгалтерия ходимларига нафақат мутахассис сифатида, балки одамийлик жиҳатларига ҳам ишонч билдира олишлари лозим.

Солиқ органлари ходимлари орасидан солиқ текшируви билан бевосита шуғулланадиган масъул ходимлар кўпроқ солиқ тўловчилар билан мулоқотда бўлишади. Масъул ходимнинг муомаласи солиққа тортиш органлари ва аҳоли ўргасидаги муносабатларни ҳамда ўзаро ишончни яхшиланишига ёки бузилишига олиб келиши мумкин. Солиқ текшируви жараёнининг қандай олиб борилиши эса нафақат солиққа тортишнинг аниқлигига, балки солиқ тўловчиларнинг ишончига ўз таъсирини кўрсатади.

Фуқаролар билан ўзаро ишонч алоқаларини тузишга эришилса, бу нафақат ишончга асосланган солиқ текширувини тез ва аниқ ўтишига имконият беради, балки барча жараённинг оптималлашувига олиб келади.

Юқорида таъкидланганидек, солиқ текшируви нормал солиққа тортишнинг муҳим жараёни ҳисобланади. Солиқ текшируви жараёнда фақатгина текширув асосий рол ўйнамайди. Му-

ҳими, солиқ тўловчиларнинг қай даражада бухгалтерия ҳисобини юритиши ва шу асосда солиқ ҳисоботи (ёки декларация)ни тақдим этишидир. Агар текширув давомида солиқ тўловчи томонидан хато ва камчиликлар аниқланса, кейинчалик ушбу хато ва камчиликларнинг такрорланмаслигини олдини олиш мақсадида, солиқ тўловчиларни ўқитиш мақсадга мувофиқдир ва бу солиқ текширувининг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

Агар текширув мобайнида бухгалтерия ҳужжатлари нотўғри тўлдирилган, керакли жойларига имзо қўйилмаган бўлса ёки бошқа камчиликлар аниқланса, у ҳолда тушунтириш ишлари амалга оширилиши керак. Солиқ текшируви мобайнида камчиликлар чиқмаса, солиқ тўловчи керакли маълумотларга эга эканлигидан далолат беради. Агар солиқ текшируви ёрдамида солиқ тўловчиларга керакли тушунтиришлар ва маълумотлар бериб борилса, кейинчалик мустақил солиқ тўловчиларни тарбиялашга ёрдам беради ва бу кейинги текширувларда ўз самарасини кўрсатади, яъни солиқ текшируви аниқ ва тез ўтказилади.

Солиқ бўйича қарздорлиги мавжуд бўлган солиқ тўловчиларга тушунтиришлар ва маълумотлар бериб бориш муҳимлигини ҳам унутмаслик лозим.

Биз юқорида солиқ текширувининг муҳимлиги, мақсади ва айрим функциялари ҳақида тўхталиб ўтдик. Муқаддима сифатида шуни айтиш мумкинки, юқорида айтилганларнинг барчаси нафақат солиқ текширувини амалга оширадиган ходимга, балки бутун солиқ тизими учун ҳам муҳимдир.

1.4. Солиқ текшируви ўтказиладиган хўжалик юритувчи субъектлар ва текширув объектлари

Солиқ текширувлари давлат солиқ хизмати органлари томонидан амалга ошириладиган солиқ назоратининг асосий шакларидан биридир. Ўзбекистон Республикаси солиқ қонунчилигига кўра, солиқ назорати солиқ тўловчиларни, солиқ солиши объектларини ва солиқ солиши билан боғлиқ объектларни ҳисобга олишининг, шунингдек солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларирига оирия этилишини назорат қилишнинг ягона тизимидан иборат.⁶

⁶ Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. Давлат солиқ хизмати тўғрисида. 474-I-сонли. Т. 1997 йил 29 август. 2-модда

Ўзбекистон Республикасида солиқ текширувлари ўтказиладиган хўжалик юритувчи субъектлар (текширилувчи субъект) сифатида қўйидагилар эътироф этилади:

- тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган юридик шахслар;

- якка тартибдаги тадбиркорлар.

Демак, солиқ текширувлари солиқ тўловчилар солиқ таҳтиш муносабатларига доир қонунлар ҳамда ўз фаолиятини тартибга соловчи бошқа қонун ҳужжатларига қандай амал қилаётганлиги ҳамда уларда белгиланган нормаларнинг қандай бажарилаётганлигини назорат қилиш мақсадида солиқ органлари томонидан амалга оширилади.

Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида ўтказиладиган солиқ текширувлари обьекти (текширув обьекти) сифатида уларнинг бино ва иншоотлари, буюмлари, амалга ошираётган жараёнлари; бухгалтерия ва банк ҳужжатлари бўлиши мумкин. Умуман олганда, текширув обьекти сифатида қўйидагиларни келтириб ўтиш мумкин:

- фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқини берувчи ҳужжатлар (гувоҳнома, лицензия);

- товарлар ҳужжатлари;

- омборхона;

- даромад ва харажатлар;

- назорат касса машиналарининг ишлатилиши;

- дебиторлик ва кредиторлик қарздорлик;

- кирим-чиқим операциялари;

- банк операциялари;

- солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг тўғри ҳисоблаши ва бюджетга ўз вақтида ўтказилиши;

- молиявий ва солиқ ҳисботлари, бошқа солиқ таҳтиш муносабатларига доир хўжалик юритувчи субъектлардаги мавжуд ҳужжатлар.

Япония тажрибаси

Япония давлатида солиқ текширувлари ўтказиладиган (савол берилувчи ёки текширилувчи) юридик ва жисмоний шахслар қўйидагилар бўлиши мумкин:

- солиқ тўлаш мажбуриятига эга шахслар;

- солиқ тўлаш мажбуриятига эга деб топилган шахслар (декларация топширмайдиган шахслар);

- иш ҳақларидан (тўлов манбаида) солиқларни ушлаб қоли-ниши мажбуриятига эга шахслар;
- пул, товар ва хизматларни кўрсатиш мажбурияти, ҳамда улардан фойдаланиш ҳуқуқига эга деб топилган шахслар;
- давлат идоралари ва ташкилотлари.

Япония давлатида текширув пайтида текширувчи «текширув учун зарур» деб топган ҳар бир обьектни текшириш мумкин.

Шунга кўра, бухгалтерия ҳужжатлари билан бир қаторда дўкон, идора, завод ва бошқа жойлардаги ҳужжатлар ва буюмлар текширилиши мумкин.

Солиқ текшируви объектини аниқлаш (танлаш)

Японияда солиқ текшируви объектини аниқлашга оид аниқ бир қонун нормаси мавжуд бўлмай, солиққа тортиш ваколатига эга давлат солиқ бошқармаси ва инспекцияси бошликлари қарорига асосан, текширув объектлари белгиланади, аммо текширув объектлари рўйхати олдиндан солиқ тўловчиларга эълон қилинмайди.

Японияда Миллий Солиқ Агентлиги ҳар йили ҳар бир ишни амалга ошириш бўйича асосий йўналиш (стратегия) ни белгилаб олиб, шунга асосан давлат солиқ бошқармалари ва солиқ инспекциялари ишларини назорат қилиб боради. Натижада, солиқ текширувлари ҳам Миллий Солиқ Агентлиги белгилаган йўналишларга асосан амалга оширилса-да, ўtkазилиши мумкин бўлган текширувлар сони чегараланганинига ва текширув ишларининг самарадорлигини таъминлаш мақсадида текширув зарур ва шошилинчлик даражаси юқори бўлган ҳолатларга устувор аҳамият берилади, аниқроқ қилиб айтганда текширув объектларини аниқлаш қўйидаги мезонларга асосланади:

А) Алоҳида эътибор бериладиган фаолият тури билан машғул солиқ тўловчиларни танлаб олиш. Миллий Солиқ Агентлиги ва Давлат солиқ бошқармалари ҳар йили юқори кўрсаткичларга эришашётган фаолият турларини аниқлаб ва уларни «алоҳида эътибор бериладиган фаолият тури» деб белгилаб, бошқа фаолият турларига нисбатан устувор равишда текшириш ҳақида кўрсатма бергани учун ушбу фаолият турларига алоҳида эътибор берган ҳолда текширув объектлари танланади. Аниқроқ қилиб айтганда, алоҳида эътибор бериладиган фаолият тури билан машғул солиқ тўловчиларнинг неча фоизини текшириш Давлат солиқ бошқармалари томонидан белгиланади.

Б) Йирик корхоналар (солиқ түловчилар)ни кенг күламда текшириш. Ўтказиш мумкин бўлган текширувлар сони чегаралангани учун кичик корхоналардан кўра йирик корхоналарни текшириш самаралироқ бўлади, деган қарорга келингани учун текширув обьектларини танлашда йирик корхоналарга алоҳида аҳамият берилади.

Йирик корхоналар (солиқ түловчилар)ни кенг күламда текшириш тизими аҳоли ва солиқ түловчиларнинг солиқ текширувлари ва солиқ маъмурчилигига бўлган хайриҳоҳлигига эришишга ҳам хизмат қиласди.

В) Ҳужжат ва оператив маълумотларга асосан текширув обьектини аниқлаш. Японияда солиқ текшируви обьектини аниқлаш ва амалда текширув ўтказишда солиқ түловчилар амалга оширган операциялар ҳақидаги батафсил маълумотлар энг фойда беради, деб ҳисобланади.

Шунинг учун Японияда маълум бир маълумотларни тақдим қилиш мажбуриятини қонунчиликда белгилаш билан бир қаторда, Адлия вазирлиги билан келишилган ҳолда кўчмас мулк обьектларини давлат рўйхатига олиш ҳақидаги маълумотларни олиш каби ҳар хил усусларда солиқ түловчиларга оид алоҳида маълумотлар йиғиб борилади.

Бундан ташқари, оддий солиқ түловчилардан тушган ёзма мурожаатларга асосан, солиқ түловчи операция ўтказган томон ҳақида маълумот, масалан харидор ёки хом ашё етказиб берувчи ҳамкорлари ҳақидаги маълумотни ҳам талаб қилиб олиши мумкин.

Шундай тарзда йиғилган ҳужжат ва оператив маълумотларга асосан, декларация мазмуни шубҳа туғдирадиган солиқ түловчилар текширув обьекти сифатида танлаб олинади.

Г) Нисбий таҳлилга асосан текширув обьектларини танлаб олиш. Давлат солиқ бошқармаси ёки инспекциясига топширилган декларация ва ҳисботлар компьютердаги маълумотлар базасига киритилиб, ҳар хил нисбатдаги маълумотлар чиқариб олинади.

Ушбу маълумотларга асосан, солиқ турлари, йиллар бўйича ва бир хил фаолият тури билан машғул солиқ түловчилар ҳақида ги маълумотларни солиштирсандаги сезиларли фарқлар аниқланниб, ушбу фарқларга эга солиқ түловчилар текширув обьекти сифатида танлаб олинади.

1.5. Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида солиқ текширувининг муҳимлилиги ва унинг ўзига хос хусусиятлари

Солиқ текширувларининг ташкил этилиши натижасида солиқ тўловчиларнинг солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини, солиқларнинг тўғри ҳисоблаб чиқарилишини, бюджет ва давлат мақсадли жамғармаларига тўлиқ ҳамда ўз вақтида тўланнишини, шунингдек фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига жамғариб бориладиган мажбурий пенсия бадалларининг тўғри ва тўлиқ ҳисоблаб чиқарилиши ҳамда ўз вақтида киритилишини назорат қилиш таъминланади. Шу билан биргаликда, солиқ тўловчилар томонидан солиқларга оид ҳуқуқбузарликларнинг содир этилишини олдини олиш, уларни аниқлаш ва бартараф этиш имконияти юзага келади.

Солиқ текширишлари жараёнларида хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий хўжалик фаолияти билан биргаликда, бевосита назорати солиқ идораларига юклатилган. Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармон ва Қарорлари ҳамда Вазирлар Маҳкамаси Қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида уларда белгиланган нормаларга мазкур субъектлар томонидан қандай амал қилинаётганлиги ҳам ўрганилади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 августдаги «Пул маблағларининг банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 280-сонли қарори билан 2002 йил 5 августдан бошлаб хўжалик юритувчи субъектларнинг нақд пул тушумини инкасса қилишда инкасса гуруҳи таркибиغا давлат солиқ хизматининг инкасса қилинадиган обьектларда текшириш ўtkазиш ҳуқуқига эга бўлган мансабдор шахслари мажбурий тартибда киритилган. Шу билан биргаликда, Давлат солиқ хизмати органларининг мансабдор шахсларига Назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши билан келишган ҳолда улгуржи ва чакана савдода, умумий овқатланиш ва пулли хизматлар кўрсатиш соҳасида савдо ва нақд тушумни топшириш қоидаларига риоя қилинишини режадан ташқари тезкор текширишларни амалга ошириш ҳуқуқи берилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тижорат банклари депозитларига аҳоли ва хўжалик субъектлари бўш пул маб-

лағларини жалб этишни янада рафбатлантириш қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-1090-сонли қарори билан эса Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси зиммасига:

савдо ва хизмат кўрсатиш обьектларида тўловларни пластик карточкалар орқали қабул қилиш бўйича ҳисоб-китоб терминаларининг мавжудлиги ҳамда улардан мажбурий равишда фойдаланиш устидан қаттиқ назорат ўрнатиш;

савдо ва назорат-касса машиналаридан ҳамда ҳисоб-китоб терминалларида фойдаланиш қоидалари бузилиши, шунингдек пластик карточкалардан фойдаланган ҳолда тўловларни қабул қилишдан ноқонуний бўйин товлаш ҳолатлари аниқланган тақдирда айбор шахсларга нисбатан қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарлик чоралари кўллаш;

савдо ва хизмат кўрсатиш корхоналари томонидан тўловларни пластик карточкалар орқали амалга оширишда ҳисоб-китоб терминалларида фойдаланиш масалалари бўйича тезкор равишида чора кўриш учун хизмат кўрсатувчи тижорат банки билан биргаликда ҳар бир минтақада мижозларнинг аризаларини, шу жумладан, «ишонч телефонлари» орқали мурожаатлари кўриб чиқилишини ҳамда келиб тушадиган мурожаатларнинг зудлик билан текширилишини ташкил этиш вазифалари юқлатилган.

Демак, солиқ идоралари мазкур вазифалар ва топшириқлар ижросини таъминлаш мақсадида ҳам турли хил солиқ текширувlarини ташкил қиласди.

Япония тажрибаси

Япония мамлакатида солиқ текширувларини ташкил қилинининг асосий сабабларидан бири тақдим этилган декларациялар бўйича солиқ тўловларидан қарздорликнинг аниқланишидир. Яъни солиқ тўловчилар томонидан тақдим этилган декларация бўйича қарздорлик тўланмаган ёки тўлиқ тўланмаганлиги аниқланса, у ҳолда солиқ органи қарз мажбуриятини қайта кўриб чиқиш учун солиқ текширувини амалга оширади.

Япония давлатида солиқ тўловлари декларация тақдим этиш орқали амалга оширилади ва шу тизимга мувофиқ юқорида айтилганидек, ҳар бир солиқ тўловчи қонундан келиб чиқсан ҳолда ўртacha солиқقا тортиш базасини ва солиқ суммасини ҳисоблаб чиқади. Ушбу мамлакатда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар ҳисоби солиқ тўловчилар томонидан амалга оширилади. Бунда декларация тақдим этиш орқали солиқ тўлаш усули қўллани-

лади. Ушбу усулга мувофиқ, солиқ түловчи ҳар бир солиқ ва мажбурий түловларни ўзи ҳисоблаб чиқади ҳамда шу асосда түлов суммасини белгилаб декларация топширади. Декларация тақдим этиш ҳуқуқий характерга эга ёки хабар берувчи ҳужжатми деган савол устида ҳозиргача муҳокама кетяпти. Ҳақиқатда декларация тақдим этиш солиқ түловчи учун солиқ бүйича қарздорликни белгилайди, ўз-ўзидан унинг суммаси белгиланиб, қарздорликни түлаш мажбуриятини келтириб чиқаради, бу эса солиқ органды учун ушбу қарздорликни ундириш ҳуқуқини беради.

Қонун ҳужжатларига кўра, декларация тақдим этилган вақтда қарздорликнинг тўланган ёки тўланмаганлиги аниқлаштирилади. Агар аниқлаштириш натижасида қарздорлик тўланмаган ёки тўлиқ тўланмаганлиги аниқланса, у ҳолда солиқ органды қарз мажбуриятини қайта кўриб чиқиш учун солиқ текширувани амалга оширади.

Айтайлик, қонун доирасида ўз солиқ мажбуриятини аниқ ҳисобламаган солиқ түловчи мавжуд. Бу ҳолда, солиқ текшируви орқали етишмовчиликни тўғрилаб, солиқ түловчига аниқ солиқ суммасини ҳисоблаш ва солиқ декларацияси тўлдиришни чуқурроқ тушунтиришга эришилади.

Назорат саволлари:

1. Солиқ назоратининг объектив зарурлиги нимада?
2. Солиқ назоратини амалга оширишнинг давлат манфаатлари билан қандай алоқадорлик томонлари мавжуд?
3. Солиқ назоратининг қандай шакллари мавжуд?
4. Солиқ назоратини амалга ошириш қайси ваколатли органга юклатилган?
5. Солиқ текширувининг муҳимлиги нимада?
6. Солиқ текширувининг ўзига хос хусусияти нимада?
7. Япония давлатида солиқ текширувлари қандай мақсадда ташкил қилинади?

II. СОЛИҚ ТЕКШИРУВИ ШАКЛЛАРИ ВА ТУРЛАРИ

2.1. Солиқ текшируви шакллари

Солиқ текшируви давлат солиқ хизмати органлари томонидан хўжалик юритувчи субъектларда солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бажарилишини назорат қилиш мақсадида амалга ошириладиган текширишдир.

Солиқ текширувлари қонун ҳужжатларида назарда тутилган айрим ҳолларда прокуратура органлари томонидан ҳам амалга оширилади.⁷ Жумладан, хўжалик юритувчи субъектлар молиявий-хўжалик фаолиятини давлат солиқ хизмати органлари томонидан текшириш давомида солиқ ва валютага оид жиноят аломатлари аниқланган тақдирда – Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга ҳамда жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиб департаменти томонидан текширув амалга оширилади. Бу каби жараёнларда прокуратура органлари солиқ текширувларини тегишли солиқ идораларидан мутахассисларни жалб қилган ҳолда олиб боради.

Солиқ текшируви шакллари

Солиқ тўловчининг молия-хўжалик фаолияти текшируви (тафтиши) – солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш мақсадида солиқ тўловчининг бухгалтерия, молия, статистика, банк ҳужжатлари ҳамда бошка ҳужжатларини ўрганиш ва тақослашдир.

Қисқа муддатли текширув – солиқ тўловчининг молия-хўжалик фаолиятини текшириш билан боғлиқ бўлмаган, унинг айрим операцияларининг солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги текширувидир.

⁷ Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси. –Т.: Адолат. 2009й. 85-модда

2. 2. Солиқ текширувларининг турлари

Солиқ текширувлари қўйидаги турларга бўлинади:

- режали солиқ текшируви;
- режадан ташқари солиқ текшируви;
- муқобил текширув.

Солиқ текширувларининг турлари

Солиқ тўловчи молия-хўжалик фаолиятининг режали солиқ текшируви (тафтиши) – текширувларни амалга оширишнинг назорат килувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи маҳсус ваколатли орган томонидан тасдиқланган мувофиқлаштириш режаси асосида ўтказиладиган текширувdir.

Солиқ тўловчи молия-хўжалик фаолиятининг режадан ташқари солиқ текшируви (тафтиши) – юридик шахс тугатилаётганда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёки Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг карорларидан келиб чикувчи текширувларни ўтказиш зарур бўлганда, давлат солиқ хизмати органига солиқ тўғрисидаги конун ҳужжатлари солиқ тўловчи томонидан бузилганилиги ҳоллари ҳакида қўшимча маълумотлар тушганда ўтказиладиган текшируvdir.

Муқобил текширув – операциялар бирлиги туфайли ўзаро боғланган ва турли солиқ тўловчиларда бўлган ҳужжатларни тақкослашдан иборат текшируvdir.

Муқобил текширув учинчи шахсларга нисбатан, агар солиқ текширувлари ўтказилаётганда давлат солиқ хизмати органида мазкур шахслар билан боғлиқ бўлган, солиқ тўловчи ўтказган операциялар солиқ бўйича ҳисобга олишда тўғри акс эттирилганлиги ҳақида қўшимча маълумот олиш зарурияти келиб чиқса, ўтказилади.

Фақат кўзғатилган жиноий иш юзасидан текширишни тайинлаш тўғрисидаги қарор ёки шундай текширувларни ўтказиши тўғрисида назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича маҳсус ваколатли органнинг қарори мавжуд бўлгандагина қонунда кўзда тутилган ҳолларда тадбиркорлик субъектининг текширилаётган хўжалик юритувчи субъект

билин ўзаро муносабатларинигина муқобил тарзда текширишга йўйилади.

Муқобил текширишларни ўтказиш чоғида тадбиркорлик субъектларига бориш ва улардан текширишга тааллуқли бўлмаган молия-бухгалтерия ёки бошقا ҳужжатларни талаб қилиш ман этилади.⁸

Қисқа муддатли текширувлар режадан ташқари солиқ текшируви тарзида ўтказилади.

Япония тажрибаси

Япония давлати солиқ тизимида солиқ текширувлари асосан қуидаги турларга бўлинади:

- мажбурий текширув;
- ихтиёрий текширув.

Мажбурий текширув (тафтиш). Ушбу текширув Япония давлатининг «Давлат солиқлари билан боғлиқ жиноятларга қарши курашиш тўғрисида»ги қонунига асосан ташкил қилинадиган ҳамда суддан текширув учун ордер олиниб, солиқ тўловчининг розилигисиз мол-мулкини қидирув ва ҳибсга олиш ишлари амалга оширилиши мумкин бўлган текширувdir.

Ихтиёрий текширув. Ихтиёрий текширув мажбурий бўлган тафтишдан фарқли ўлароқ, алоҳида солиқлар тўғрисидаги қонунларда белгиланган «савол-жавоб орқали текшириш (сўроқ қилиш ваколати» асосида олиб бориладиган текшируvdir.

Мажбурий текширув (тафтиш)ни фақатгина мамлакатнинг 12 та солиқ бошқармаси таркибидаги «солиқдан қочиш ишлари билан ишлаш департаменти» ўтказгани учун «тафтиш» деб номланниб, солиқ тўловчилар учун энг қўрқинчли текшируvdir. Мазкур текширувда, асосан, катта миқдордаги даромадни солиқдан яширишда гумон қилинаётган солиқ тўловчилар текширилиб, солиқдан қочиш ҳолати аниқланганда тўланмаган солиқ суммасини ундириш билан биргаликда, солиқдан қочувчи жиной жавобгарликка тортилиб, тўланмаган солиқ миқдорида жарима тўлайди ва 5 йилгача озодликдан маҳрум қилиниши мумкин. Со-

⁸ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 14 июндаги «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-3619-сонли Фармони. «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2005 йил, 23-24-сон, 167-модда.

лиқдан қочишиңа жиной жавобгарлық 20 йил олдин күчайтирилған. Кейинги йилларда Японияда хұжалик юритувчи субъекттерден «жамият олдидаги масъулият» ва «корхона обрў»сига амал қилиш талаб қилиб келинмоқда. Шунинг учун солиқдан қочиши каби хатти-харакат инсон жонига қасд қилиш ва талончилік каби жиной ишлар қаторида жамият манфаатларига зид деб ҳисобланыб, фуқаролар ҳам бу жамият томонидан кечирилмайдынан хатти-харакат деган фикрни илгари сурмоқдалар. Мана шундай ижтимоий фикрга асосан охирги йилларда суд ҳукмларыда солиқдан қочиши бўйича ишларда ҳам жиной ишлардагидек жамият олдидаги масъулиятга жуда катта аҳамият берилмоқда. Натижада, мазкур тафтишлар солиқ тўловчиларнинг ҳадигига сабаб бўлиб, солиқдан қочиши каби хатти-харакатларнинг олдини олишга хизмат қилмоқда.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг катта миқдордаги даромадини солиққа тортишдан яшириш ишлари билан биргаликда, спиртли ичимликлар солиги каби билвосита солиқлар тўғрисидаги қонунларни бузиш каби ҳолатлар ҳам «Давлат солиқлари билан боғлиқ жиноятларга қарши курашиш тўғрисидаги қонун»-га асосан мазкур тафтиш объектлари ҳисобланади.

«Савол-жавоб орқали текшириш (сўроқ қилиш) ваколати» ҳақидаги қонун нормасида қисқача қилиб айтганда «тегишли ходим зарурат туғилганда солиқ тўловчига савол бериш, бухгалтерия ва бошқа ҳужжатларни текшириш ваколатига эга» деб белгиланган.

Назорат саволлари:

1. Солиқ текширувининг қандай шакллари мавжуд?
2. Қисқа муддатли текширувни ўтказишдан асосий мақсад нима?
3. Қандай ҳоллarda солиқ текширувлари прокуратура органлари томонидан амалга оширилади?
4. Солиқ текширувининг қандай турлари мавжуд?
5. Режали солиқ текширувидан режадан ташқари солиқ текширувининг қандай фарқли жиҳатлари бор?
6. Муқобил текширувлар қандай мақсадда ўтказилади?
7. Қандай ҳолларда режадан ташқари солиқ текшируви ўтказилади?

III. ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАР ФАОЛИЯТИНИ ТЕКШИРИШЛАРНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШ

3.1. Текширишларни мувофиқлаштиришнинг мақсад ва вазифалари

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 8 августдаги «Текширишларни тартибга солиш ва назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштиришни такомиллаштириш тўғрисида»ги ПФ-1503-сонли Фармони билан мулкчилик шакларидан қатъи назар хўжалик юритувчи субъектларни текширишни тартибга солиш, назорат қилувчи органлар томонидан уларнинг фаолиятига асоссиз аралашибига йўл қўймаслик мақсадида назорат қилувчи органлар томонидан ташкил қилинадиган текширишлар мувофиқлаштириладиган бўлди. Шу мақсадда назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши тузилди. Шундан кейин мулкчилик шакларидан қатъи назар хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятини қонунчиликда белгиланган ҳуқуқларга мувофиқ амалга ошириладиган текширишларнинг ҳаммаси мазкур Кенгаш билан келишилган ҳолда ўтказиладиган бўлди.

Хўжалик юритувчи субъектларни текширишни ташкил қилишни янада тартибга солиш, текширишлар сонини камайтириш, турили назорат органлари томонидан амалга ошириладиган текширишларда параллелчilik ва тақрорлаш ҳолатларини бартараф этиш, уларнинг корхоналар хўжалик фаолиятига иқтисодий зарар етказувчи асоссиз аралашувига йўл қўймаслик мақсадида, шунингдек тадбиркорларнинг қонуний ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 19 ноябрдаги «Хўжалик юритувчи субъектларни текширишни ташкил қилишни тартибга солиш тўғрисида»ги ПФ-2114-сонли Фармонига асосан мулкчилик шаклидан қатъи назар хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига доир барча текширувларни, молия-хўжалик фаолиятини текширишни истисно этган ҳолда, ўтказиш, қоида тариқасида, бир йўла комплекс текширишлар ўтказилишини назарда тутиб, фақат Ўзбекистон Республикаси назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгашининг қарорига биноан режа асосидаги тар-

тибда назорат органлари томонидан йилига кўпи билан бир марта амалга ошириладиган бўлди.

Мазкур субъектларнинг фаолиятини муқобил текшириш жиной ишлар бўйича тергов давомида текширувни белгилаш тўғрисидаги қарор асосида ёки фақат Ўзбекистон Республикаси назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгашининг қарори билангина назорат органлари томонидан амалга оширилиши мумкин. Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини муқобил текшириш хўжалик юритувчи субъектларга бормасдан амалга оширилади ва фақат уларнинг текширилаётган хўжалик юритувчи субъект билан ўзаро муносабатлари доирасидагина текширишга йўл қўйилади. Белгиланган норма ва қоидаларга ўз вақтида ва тўла риоя этадиган хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш, молия-хўжалик фаолиятини текширишни истисно этган ҳолда, назорат органлари томонидан ҳар икки йилда кўпи билан бир марта амалга оширилади.

3.2. Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш ваколати берилган органлар

Қўйида хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш ваколати берилган органларнинг айримларинигина номлари келтириб ўтилган. Мазкур органлар қаторида Давлат солиқ қўмитаси солиқ бўйича масалаларни ҳал этади, ҳамда барча солиқ текширувларини амалга оширади.

Код	Назорат қилувчи орган номи
1	Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси
2	Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги
6	Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси
9	Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси
11	Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази
12	Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси

- 13 Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг Чорвачилиқда наслчилик ишлари бўйича бош давлат инспекцияси
- 14 Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг Машина ва ускуналарнинг техник ҳолатини назорат қилиш бўйича бош давлат инспекцияси
- 15 Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги
- 16 Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги
- 17 Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси
- 18 Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва курилиш қўмитаси
- 19 Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси
- 20 Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Ёнгидан сақлаш бош бошқармаси

Код	Назорат қилувчи орган номи
21	Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази
22	Ўзбекистон Республикасининг Электр энергетикасида назорат қилиш давлат инспекцияси
25	Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги
26	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат дон инспекцияси
27	Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг Бош давлат ветеринария инспекцияси
29	Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва кадастри давлат қўмитаси
30	Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг Давлат алоқа инспекцияси
31	Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳузуридаги Бадиий экспертиза бошқармаси

- 33 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш давлат инспекцияси
- 34 Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Дори воситалари ва тиббий техника сифатини назорат қилиш бош бошқармаси
- 35 Ўзбекистон Республикасининг Темир йўлда ташишлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси
- 36 Республика Темир йўлда давлат санитария-эпидемиология назорати маркази
- 37 Транспортда ИИБ ҳузуридаги ёнфиндан сақлаш бўлими
- 38 Саноат, кон иши ва коммунал-маишӣ секторда ишларни хавфсиз олиб боришни назорат қилиш давлат инспекцияси – «Саноатконтехназорат»
- 39 Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси ҳузуридаги Давлат геодезия назорати инспекцияси «Ўзбектуризм» миллӣй компанияси
- 40 Марказий банк ҳузуридаги Қимматбаҳо металлар агентлигининг Давлат намуналар олиш палатаси
- 41 Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги
- 42 Ўзбекистон Республикаси Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси ҳузуридаги Давлат геология назорати бошқармаси
- 43 «Ўзбеккино» миллӣй агентлиги
- 44 Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш қўмитаси

3.3. Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши ва унинг асосий вазифалари

Биз юқорида айтиб ўтганимиздек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 8 августандаги «Текширишларни тартибга солиш ва назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштиришни такомиллаштириш тўғрисида»ги ПФ-1503-сонли Фармони билан мулкчилик шаклларидан қатъи назар, хўжалик юритувчи субъектларни текширишни тартибга солиш, назорат

қилувчи органлар томонидан уларнинг фаолиятига асосиз аралашишга йўл қўймаслик, назорат қилувчи органлар томонидан ташкил қилинадиган текширишларни мувофиқлаштириш мақсадида Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши тузилган.

Махсус ваколатли органинг асосий вазифалари

Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш масалалари бўйича назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш

Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текширишнинг, шу жумладан, комплекс текширувлар ҳамда тафтишларнинг назорат қилувчи органлар бир-бирининг ишини такрорлашига йўл қўймайдиган мувофиқлаштирувчи режаларини ишлаб чикиш

Назорат қилувчи органларнинг текширувлар ўтказишнинг мувофиқлаштирувчи режаларига риоя қилишини назорат қилиш ҳамда режадан ташкиришларни махсус ваколатли орган билан келишмай ўтказилишига йўл қўймаслик

Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши, Кенгашинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳудудий комиссиялари (кейинги ўринларда – вилоят комиссиялари), туман ва шаҳарлар ҳудудий комиссиялари (кейинги ўринларда – туман комиссиялари), назорат қилувчи органлар ва уларнинг ҳудудий бўлинмалии тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текширишларни ташкил этишда «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»ги, «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 8 августдаги «Текширишларни тартибга солиш ва назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштиришни та-комиллаштириш тўғрисида»ги ПФ-1503-сон, 1998 йил 19 ноябрдаги «Хўжалик юритувчи субъектларни текширишни ташкил қилишни тартибга солиш тўғрисида»ги ПФ-2114-сон, 2005 йил

14 июнданаги «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-3619-сон, 2005 йил 5 октябрдаги «Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-3665-сон фармонларига ҳамда хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текширишни тартибга солиш масалаларига доир бошқа қонун ҳужжатларига, шунингдек Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгашининг 2006 йил 11 марта даги №06-01-01-сонли Қарори билан тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 6 майда 1573-сон билан рўйхатга олинган «Назорат қилувчи органлар томонидан ўтказиладиган, тадбиркорлик субъектлари – юридик шахслар фаолиятини текширишларни мувофиқлаштириш тартиби тўғрисидаги Низом»га амал қиласидар.

Текширишлар Республика кенгаши билан келишилмаган ҳолда ўтказилган тақдирда, ушбу текширишларни амалга оширган марказдаги ва жойлардаги назорат қилувчи органларнинг раҳбарлари белгиланган тартибда жавобгарликка тортилиши белгилаб қўйилган.

Назорат қилувчи органларнинг хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текширишлари мазкур кенгаши томонидан мувофиқлаштирилади ва у чиқарган қарорлар назорат қилувчи органлар учун мажбурий ҳисобланади.

Солиқ органларининг Кенгаш (вилоят комиссиялари) билимчалик келишувсиз амалга ошириладиган назорат функциялари

Алкоголли ва тамаки маҳсулотларининг тадбиркорлик субъектлари томонидан тегишли рухсатномаларсиз ишлаб чиқарилиши ва сотилиши, шунингдек акциз маркалари мавжуд эмаслиги ёки қалбакилаштирилиши далиллари тўғрисида ишончли маълумотлар мавжудлигига бунга ваколати бўлган солиқ ва бошқа органлар томонидан муюмладан ушбу маҳсулотлар қонун билан белгиланган тартибда тезкор олиб қўйилишини амалга ошириш. Бунда тадбиркорлик субъектига нисбатан кейинги текширишлар белгиланган тартибда Кенгаш ёки унинг вилоят комиссиялари билан келишилиши керак.

3.4. Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текширишнинг асосий принциплари ва қоидалари

Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текширишнинг асосий принциплари қўйидагилардан иборат:

текширувчи органлар фаолиятида қонунийлик, холислик ва ошкоралик;

юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш;

хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятига аралашмаслик.

Текшириш хўжалик юритувчи субъектнинг бевосита текшириш ўтказиш йилидан олдинги тўрт календарь йилдан кўп бўлмаган фаолияти қамраб олиниши мумкин. Бунда:

текшириш ўтказилаётган календарь йил даврларини текширишга рухсат этилади;

илгари текширилган масалалар бўйича текшириш ўтказиш ман этилади.

Юқорида санаб ўтилган текшириш ўтказиш билан боғлиқ қоидалар қўзғатилган жиноят ишлари доирасида ҳуқуқни муҳофаза қўлиувчи органлар томонидан ўтказиладиган текширишларга татбиқ этилмайди.

3.5. Текширишлар ўтказиш шартлари

1. Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш муддатлари 30 календарь кундан ошмаслиги лозим. Алоҳида ҳолларда бу муддат назорат қўлиувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи маҳсус ваколатли органнинг қарори билан узайтирилиши мумкин.

2. «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 39-моддасига мувофиқ хўжалик юритувчи субъектлар – Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси аъзолари фаолиятини текшириш унинг вакиллари иштирокида амалга оширилиши мумкин.

Бухгалтерия ҳисобини юритиш ва ҳисбот тузиш аудиторлик ташкилоти томонидан амалга ошириладиган хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолияти тегишли аудиторлик ташкилоти мажбурий жалб қилинган ҳолда текширилади. Бунда

молиявий ҳисоботнинг тўғрилиги учун аудиторлик ташкилоти жавоб беради.

3. Текшириш ўтказиш учун аудиторлик ташкилотлари ва/ёки эксперtlар жалб қилинган тақдирда аудиторлик текширишлари (экспертизалар) ўтказиш бўйича сарф-харажатлар фақат ушбу текширишларни тайинлаган текширувчи органлар ҳисобидан амалга оширилади.

4. Аудиторлик ташкилотлари ва/ёки эксперtlар жалб қилинганда текширувчи орган ҳамда аудиторлик ташкилоти ва/ёки эксперт ўртасида тузилган шартнома нусхаси албатта хўжалик юритувчи субъектга тақдим этилади. Шартномада аудитор ва/ёки экспертнинг фамилияси, исми, отасининг исми, иш жойи ва мансаби кўрсатилган бўлиши лозим.

Аудиторлик ва/ёки эксперт хулосасининг тўғрилиги ҳамда унинг Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқлиги юзасидан аудиторлик ташкилоти ва/ёки экспертнинг жавобгарлиги тузиладиган шартноманинг зарурый шарти ҳисобларади.

5. Хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятини текширишлар текширишларни мувофиқлаштирувчи Кенгашнинг қарорига биноан режали тартибда кўпи билан йилига бир марта амалга оширилиши мумкин. Белгиланган нормалар ва қоидаларга ўз вақтида ҳамда тўла ҳажмда риоя этувчи хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятини текширишлар назорат қилувчи органлар томонидан кўпи билан икки йилда бир марта амалга оширилади.

Хусусий корхоналар фаолиятини текширишлар назорат қилувчи органлар томонидан кўпи билан икки йилда бир марта белгиланган тартибда амалга оширилиши мумкин, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

6. Микро фирмалар, кичик корхоналар ва фермер хўжаликлигининг молия-хўжалик фаолияти бўйича ҳар тўрт йилда кўпи билан бир марта, бошқа тадбиркорлик субъектларини эса ҳар уч йилда кўпи билан бир марта режа асосида текшириш ўтказилиди.

Янги ташкил қилинган микро фирмалар, кичик корхоналар ва фермер хўжаликларининг молия-хўжалик фаолияти бўйича улар давлат рўйхатига олинган пайтдан бошлаб икки йил мобайнида режа асосида текшириш ўтказилмайди.

7. Прокуратура, ички ишлар ва миллий хавфсизлик хизмати органлари томонидан ўтказиладиган текширишда хўжалик юритувчи субъектнинг фақат қўзғатилган жиноят иши билан боғлиқ фаолиятигина қамраб олиниши мумкин, бу ҳақда текшириш тайинлаш тўғрисидаги қарорда кўрсатилган бўлиши лозим.

8. Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини муқобил текшириш хўжалик юритувчи субъектларга бормасдан амалга оширилади ва фақат уларнинг текширилаётган хўжалик юритувчи субъект билан ўзаро муносабатлари доирасидагина йўл қўйилади.

Хўжалик юритувчи субъектнинг текшириш обьекти билан ўзаро муносабати деганда шахсларнинг ҳужжатлар (жиноят иши материаллари, ашёвий далиллар) билан тасдиқланган аниқ муносабатини тушуниш лозим.

Кенгаш ёки вилоят комиссиясининг қарори ёхуд ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органнинг тегишли мансабдор шахсининг қарори билан белгиланган муддатда муқобил текшириш ўтказиш имконияти бўлмаганида, у фақатгина муқобил текширишни бошқа муддатга кўчириш тўғрисидаги Кенгаш ёки вилоят комиссиясининг қўшимча қарори ёхуд ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органнинг тегишли мансабдор шахсининг қўшимча қарори асосида ўтказилиши мумкин.

Хўжалик юритувчи субъектлардан муқобил текширишга таалуқли бўлмаган молия-бухгалтерия ёки бошқа ҳужжатларни талаб қилиш ман этилади.

9. Назорат тартибидаги текширишларни ўтказиш назорат қилувчи органлар томонидан фақат илгари ўзлари ўтказган текшириш натижаларига доир далолатномада (маълумотномада) белгиланган ҳолатлар ва муддатлар бўйича Кенгаш ёки унинг вилоят комиссияларининг қўшимча розилигисиз амалга оширилади.

Тадбиркорлик субъекти текшириш натижалари бўйича далолатномада (маълумотномада) белгиланган муддатларда назорат тартибida текширишлар ўтказишга рози бўлмаса, уларни ўтказиш муддатлари Назорат қилувчи органлар томонидан ўтказиладиган, тадбиркорлик субъектлари – юридик шахслар фаолиятини текширишларни мувофиқлаштириш тартиби тўғрисидаги Низомда (2006 йил 6 май, рўйхат рақами 1573) кўрсатилган тартибга мувофиқ вилоят комиссияларининг қарорлари билан бел-

гиланади. Бунда ўтказилган текшириш натижалари бўйича да-
лолатнома (маълумотнома) назорат тартибида текшириш ўтка-
зиш зарурлигига асос бўлади.

10. Хўжалик юритувчи субъектлар текширувчи органларнинг
ваколатига кирмайдиган масалаларга оид талабларини бажар-
маслик ҳамда текшириш предметига тааллуқли бўлмаган мате-
риаллар билан уларни таништирмасликка ҳақлидир.

11. Ҳужжатларни олиб қўйиш ва уларни ҳуқуқни муҳофаза
қилувчи органларнинг талаби бўйича тақдим этиш Ўзбекистон
Республикасининг Жиноят-процессуал кодексида белгиланган
тартибида амалга оширилади, прокуратура органлари эса бу
ҳолда «Прокуратура тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси-
нинг Қонунига ҳам асосланади. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи
органлар асл нусхаси олиб қўйилган ҳужжатларнинг сақланиши
учун жавобгардирлар. Ҳужжатларнинг асл нусхасини олиб
қўйишда, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ваколатли
шахслари, хўжалик юритувчи субъектларга бош бухгалтер ёки
хўжалик юритувчи субъектнинг бошقا мансабдор шахси томо-
нидан тасдиқланадиган ҳужжатларнинг асл нусхасидан кўчир-
малар олиш имкониятини беришлари лозим.

12. Текширувчи органлар ва уларнинг мансабдор шахсла-
ри, аудиторлик ташкилотлари ва/ёки эксперталар уларга хўжа-
лик юритувчи субъектни текшириш билан боғлиқ ҳолда маъ-
лум бўлган тижорат сирини ташкил қилувчи маълумотларни та-
рқатганликлари учун қонунчиликка мувофиқ жавобгар бўла-
дилар.

13. Текширувчи мансабдор шахслар текшириш бошланиши-
дан олдин хўжалик юритувчи субъектнинг раҳбарини (якка тар-
тибдаги тадбиркорни, хўжалик юритувчи субъект раҳбари
бўлмаган тақдирда – унинг вазифасини бажарувчи шахсни) тек-
шириш мақсади ва шартлари билан таништириши, қонунчилик-
да белгиланган ҳужжатларни тақдим этиши, Текширишларни
рўйхатга олиш китобига тегишли ёзувлар киритиши лозим.

14. Текширишларни рўйхатга олиш китоби белгиланган на-
мунага мувофиқ бўлиши, қаттиқ муқова билан қопланган ва ра-
қамланган, тикилган, варақлар сони ва Китобни юритиш санаси
кўрсатилган ҳолда хўжалик юритувчи субъект раҳбарининг им-
зоси ва муҳри (якка тартибдаги тадбиркор учун – агар у мавжуд
бўлса) билан тасдиқланган бўлиши керак.

Адлия органлари томонидан ҳисоби юритиладиган Текширишларни рўйхатга олиш китобида хўжалик юритувчи субъектнинг тўлиқ номи, манзили (почта манзили), солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР) тўғрисида маълумотлар бўлиши лозим.

15. Текширишларни рўйхатга олиш китоби мулкчилик шаклидан қатъи назар, хўжалик юритувчи субъектлар томонидан юритилади. Текшириш бошланишидан олдин хўжалик юритувчи субъект раҳбари (якка тартибдаги тадбиркор, хўжалик юритувчи субъект раҳбари бўлмаган тақдирда – унинг вазифасини бажарувчи шахс) текширувчи мансабдор шахсга Текширишларни рўйхатга олиш китобини тегишли устунларини тўлдириш учун тақдим этади.

Текширувчи мансабдор шахс Текширишларни рўйхатта олиш китобини тўлдиришдан бош тортса, у текширишга қўйилмайди.

16. Назорат қилувчи органлар текширишни назорат қилувчи орган раҳбари томонидан тасдиқланган текшириш ўтказиш режасига мувофиқ амалга оширади. Текшириш текширишни ўтказиш режаси ва назорат қилувчи органинг ваколатлари доирасидан четга чиқмаслиги лозим.

17. Текширишлар натижалари далолатнома (маълумотнома) билан, зарур ҳолларда эса аниқланган камчиликларни бартаграф этиш тўғрисидаги кўрсатма билан ҳам расмийлаштирилади.

18. Кенгаш ёки унинг вилоят комиссияси томонидан белгиланган тартибда берилган хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текширишнинг мувофиқлаштириш режасидан кўчирма (кўчирманинг ҳақиқиyyатига кўрсатилган ҳолда тегишли имзо ва муҳр билан тасдиқланган бўлиши лозим), назорат қилувчи орган раҳбари томонидан тасдиқланган текшириш ўтказиш буйруфи ва режаси, кўзғатилган жиноят иши билан боғлиқ текширишни тайинлаш тўғрисидаги қарор нусхалари хўжалик юритувчи субъект раҳбарига (якка тартибдаги тадбиркорга, хўжалик юритувчи субъект раҳбари бўлмаган тақдирда – унинг вазифасини бажарувчи шахсга) уларни олганлиги ҳақидаги тилхат асосида топширилади. Бунда текшириш натижаларини акс эттирувчи ҳужжатнинг бир нусхаси текшириш тугаганидан кейин ўн кунлик муддат ичida топширилади. Текшириш ўтказиш учун аудиторлик ташкилоти ва/ёки эксперт жалб қилинган тақдирда, текширувчи орган ва аудиторлик ташкилоти ва/ёки эксперт ўртасида тузишган шартнома нусхаси ҳам топширилади.

19. Текширишларни рўйхатга олиш китоби тўлдирилгандан ва текшириш тугагандан сўнг мансабдор шахс – текшириш раҳбари ва хўжалик юритувчи субъект раҳбари (якка тартибдаги тадбиркор, хўжалик юритувчи субъект раҳбари бўлмаган тақдирда – унинг вазифасини бажарувчи шахс) унда қайд қилинган ёзувларни тўғрилигини ўзларининг имзолари билан сана ва вақтни кўрсатган ҳолда тасдиқлайдилар.

Солиқ текширувларини ўтказишга доир қўшимча шартлар

Солиқ текшируви ўтказилиши солиқ тўловчининг фаолияти-ни тўхтатиб қўймаслиги керак, қонун ҳужжатларида белгиланган ҳоллар (масалан, фаолиятида жиноий аломатлар мавжуд бўлганда, рухсатсиз спиртли маҳсулотлар сотилаётганлик ҳолатлари аниқланганда ва бошқалар) бундан мустасно.

Давлат солиқ хизмати органлари томонидан бошқа туманларда (шаҳарларда) давлат рўйхатидан ўтган тадбиркорлик субъектларида солиқ текширувлари ўтказиш уларнинг ишлаб чиқариш бинолари, савдо нуқталари ва хизматлар кўрсатиш (ишлар бажариш) жойи қаерда жойлашганлигидан қатъи назар, такрорлашга йўл қўйилмаган ҳолда, тадбиркорлик субъекти давлат рўйхатидан ўтказилган жойдаги тегишли давлат солиқ хизмати органлари билан бир вақтда амалга оширилади.

Солиқ текшируви давлат солиқ хизмати органи раҳбари ёки раҳбар ўринбосари томонидан тасдиқланган солиқ текшируви ўтказиш дастурига мувофиқ амалга оширилади.

Муқобил текширув текширилаётган солиқ тўловчи билан фақат ўзаро муносабатларга тааллуқли қисм юзасидан амалга оширилиши мумкин.

Муқобил текширувлар ўтказилаётганда солиқ тўловчиларнинг ҳузурига кириш ва улардан текширув предметига тааллуқли бўлмаган молия-бухгалтерия ҳужжатларини ёки бошқа ҳужжатларни талаб қилиб олиш тақиқланади.

Солиқ текшируви солиқ тўловчининг текширув ўтказилаётган йилдан бевосита олдинги кўпич билан беш календарь йилдаги фаолиятини қамраб олиши мумкин.

Солиқ текширувлари ўтказилаётганда давлат солиқ хизмати органлари Солиқ кодексида белгиланган тартибда солиқ тўлов-

чининг ҳудуди ва жойларини текширишга, мол-мулкни инвентаризация қилишга, ҳужжатларни талаб қилиб олишга, ҳужжатлар ва предметларни олиб қўйишга, солиқ тўловчидан, шунингдек солиқ тўловчининг раҳбарлик вазифаларини ёки бухгалтерия ҳисоби ва молиявий бошқарувини амалга ошираётган шахслардан, бошقا моддий жавобгар ходимларидан тушуниришлар олишга, банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш чораларини кўришга, экспертни жалб этиш ва экспертиза тайинлашга, солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг аниқланган бузилишлари бартараф этилишини талаб қилишга, Солиқ кодекси ва бошقا қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳаракатларни амалга оширишга ҳақлидир.

Солиқ текширулари ўтказилаётган даврда текширилаётган даврнинг солиқ ҳисоботига солиқ тўловчи томонидан ўзгартишлар ва қўшимчалар киритилишига йўл қўйилмайди.

Япония тажрибаси

Солиқ текширувини ўтказиш ёки ўтказмаслик текширувчи инспекторнинг «рационал қарори»га асосланади ва солиқ тўловчига текширув ўтказиш сабабларини кўрсатиш текширувнинг мажбурий шарти ҳисобланмайди. Мабодо сабаби кўрсатилса ҳам асосий сабабни кўрсатишга эҳтиёж бўлмай, масалан «декларацияда кўрсатилган даромад суммасини тўғрилигини текшириш» ёки «декларацияда хато йўқлигини текшириш» каби сабаблар билан чегараланилади.

Амалда текширув ўтказишда ҳам «текширув ўтказиш сабаби» билан боғлиқ муаммо деярли туғилмай, одатда «текшириш учун келдик» каби сўзлар етарли. Бунинг сабаби, Японияда ялпи декларация тизими жорий қилинганидан кейинги 60 йилдан ортиқ тажриба бўлиб, солиқ тўловчиларнинг солиқ текширувига бўлган муносабати ва тушуниш даражаси юқорилиги деб айтиш мумкин.

Юқорида Япониядаги солиқ текшируви учун ваколатга оид қонунчилик нормалари ҳақида маълумот бердик. Унда асосан текширув учун масъул шахснинг ҳаракат эркинлиги кенг таъминланган.

Назорат саволлари:

1. Текширишларни мувофиқлаштиришдан мақсад нима?
2. Текширишларни мувофиқлаштиришнинг қандай вазифалари мавжуд?

3. Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгашининг асосий вазифалари.
4. Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш ваколати берилган органлар таркибига қайси органлар киради?
5. Солиқ органлари Кенгаш (вилоят комиссиялари) билан қўшимча келишувсиз қандай назорат функцияларини амалга оширишга ҳақли?
6. Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текширишнинг қандай принциплари мавжуд?
7. Солиқ текширувларини ўтказишда қандай шартлар мавжуд?

IV. СОЛИҚ ТЕКШИРУВЛАРИНИНГ ТАШКИЛИЙ-ХЎҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

4.1. Солиқ текширувларини ўтказиш учун асослар

Режали солиқ текширувини ўтказиш учун қўйидагилар асос бўлади:

текширувларни амалга оширишнинг мувофиқлаштириш режасидан олинган, назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи маҳсус ваколатли орган ёки унинг тегишли ҳудудий бўлинмаси томонидан берилган кўчирма. Бунда кўчирма унинг аслига тўғри эканлиги кўрсатилган ҳолда тегишли имзо ва муҳр билан тасдиқланган бўлиши лозим;

текширувларни амалга оширишнинг мувофиқлаштириш режаси асосида давлат солиқ хизмати органининг текширувни мақсадлари, текширувчи мансабдор шахслар таркиби, текшириладиган давр ва текширув ўтказиш муддатлари кўрсатилган буйруғи.

Режадан ташқари солиқ текширувини ўтказиш учун қўйидагилар асос бўлади:

назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи маҳсус ваколатли органнинг текшириладиган обьектнинг номи, солиқ тўловчининг идентификация рақами, текширувнинг мақсадлари, текшириладиган давр (тафтиш учун), текширув ўтка-

зиш муддатлари ва уни асословчи сабаблар кўрсатилган текширув ўтказиш тўғрисидаги қарори;

давлат солиқ хизмати органининг назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи маҳсус ваколатли орган қарори асосида чиқарган текширувни ўтказиш мақсадлари, муддатлари ва текширувчи мансабдор шахслар таркиби, текшириладиган давр кўрсатилган ҳолдаги буйруги.

Муқобил текширув ўтказиш учун қўйидагилар асос бўлади:

назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи маҳсус ваколатли органнинг текшириладиган объекtnинг номи, текширув ўтказиш мақсадлари, муддатлари, шунингдек ўзаро муносабатларнинг текширилиши лозим бўлган предмети кўрсатилган ҳолдаги муқобил текширув ўтказиш тўғрисидаги қарори;

давлат солиқ хизмати органининг назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи маҳсус ваколатли орган қарори асосида чиқарган текширувни ўтказиш мақсадлари, муддатлари ва текширувчи мансабдор шахслар таркиби кўрсатилган ҳолдаги буйруги.

Тугатилаётган юридик шахсни режадан ташқари солиқ текширувидан ўтказиш учун қўйидагилар асос бўлади:

тутатувчининг ёки юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказувчи органнинг юридик шахс тутатилиши тўғрисидаги ёзма билдириши;

давлат солиқ хизмати органининг текшируv мақсадлари, текшируv ўтказиладиган муддатлар ва текшируvчи мансабдор шахслар таркиби кўrсатилган буйруги.

Солиқ текширувлари фақат юқорида кўrсатилган асослар мавжуд бўлган тақдирда ўтказилади.

Давлат солиқ хизмати органлари томонидан бошқа туманларда (шаҳарларда) давлат рўйхатидан ўтган тадбиркорлик субъектларида солиқ текширувлари ўтказиш, уларнинг ишлаб чиқариш бинолари, савдо нуқталари ва хизматлар кўrсатиш (ишлар баражариш) жойи қаерда жойлашганлигидан қатъи назар, такрорлашга йўл қўйилмаган ҳолда, тадбиркорлик субъекти давлат рўйхатидан ўтказилган жойдаги тегишли давлат солиқ хизмати органлари билан бир вақтда амалга оширилади.

Солиқ текшируви давлат солиқ хизмати органи раҳбари ёки раҳбар ўринбосари томонидан тасдиқланган солиқ текшируви ўтказиш дастурига мувофиқ амалга оширилади.

Солиқ текширувини ўтказиш дастурида қўйидагилар кўрса-тилиши керак:

солиқ текшируви ўтказилаётганда ўрганиладиган масала ёки масалалар доираси;

солиқ текшируви солиқ тўғрисидаги қайси қонун ҳужжатла-рига риоя этилишини ўрганиш учун ўтказилаడиган бўлса, шу қонун ҳужжатларининг рўйхати;

текширув туридан келиб чиқсан ҳолда бошқа маълумотлар.

Солиқ текширувини ўтказиш дастурини тузиш қоидалари на-зорат қўлувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи маҳ-сус ваколатли орган билан келишилган ҳолда Ўзбекистон Рес-публикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан белгиланади.

Муқобил текширув текширилаётган солиқ тўловчи билан фақат ўзаро муносабатларга тааллуқли қисм юзасидан амалга оширилиши мумкин.

Муқобил текширувлар ўтказилаётганда солиқ тўловчилар-нинг ҳузурига кириш ва улардан текширув предметига тааллуқ-ли бўлмаган молия-бухгалтерия ҳужжатларини ёки бошқа ҳуж-жатларни талаб қилиб олиш тақиқланади.

Солиқ текшируви солиқ тўловчининг текширув ўтказилаёт-ган йилдан бевосита олдинги кўпич билан беш календарь йилдаги фаолиятини қамраб олиши мумкин.

Солиқ текширувлари ўтказилаётганда давлат солиқ хизмати органлари Солиқ кодексида белгилangan тартибда солиқ тўлов-чининг ҳудуди ва жойларини текширишга, мол-мулкни инвента-ризация қилишга, ҳужжатларни талаб қилиб олишга, ҳужжат-лар ва предметларни олиб қўшишга, солиқ тўловчидан, шунингдек солиқ тўловчининг раҳбарлик вазифаларини ёки бухгалте-рия ҳисоби ва молиявий бошқарувини амалга ошираётган шахс-лардан, бошқа моддий жавобгар ходимларидан тушунтиришлар олишга, банқдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхта-тиб туриш чораларини кўришга, экспертни жалб этиш ва экспер-тиза тайинлашшга, солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг аниқ-ланган бузилишлари бартараф этилишини талаб қилишга, Солиқ кодексида ва бошқа қонун ҳужжатларида назарда тутилган бо-шқа ҳаракатларни амалга оширишга ҳақлидир.

Солиқ текширувлари ўтказилаётган даврда текширилаётган даврнинг солиқ ҳисоботига солиқ тўловчи томонидан ўзгартиши-лар ва қўшимчалар киритилишига йўл қўйилмайди.

4.2. Солиқ текширувларини ўтказиш муддатлари ва даврийлиги

Солиқ текширувини ўтказиш муддати ўттиз календарь кунидан ошмаслиги керак. Алоҳида ҳолларда бу муддат назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи маҳсус ваколатли органнинг қарори билан узайтирилиши мумкин.

Солиқ текшируви муддатларини узайтириш давлат солиқ хизмати органининг қўшимча буйруғи билан расмийлаштирилиб, унда олдинги буйруқнинг рўйхатдан ўтказиш рақами ҳамда санаси, текширув ўтказишга илгари жалб қилинган мансабдор шахсларнинг фамилияси, исми, отасининг исми кўрсатилади.

Қисқа муддатли текширув ўтказиш муддати бир иш кунидан ошмаслиги керак. Қисқа муддатли текширув ўтказиш муддатини узайтиришга йўл қўйилмайди.

Солиқ тўловчилар молия-хўжалик фаолиятининг режали солиқ текширувлари (тафтишлари) бир йилда кўпи билан бир марта, белгиланган нормалар ва қоидаларга ўз вақтида ҳамда тўлиқ ҳажмда риоя этаётган солиқ тўловчилар молия-хўжалик фаолиятининг режали солиқ текширувлари эса икки йилда кўпи билан бир марта амалга оширилади. Ўз навбатида микро фирмалар, кичик корхоналар ва фермер хўжаликлари молия-хўжалик фаолиятининг режали солиқ текширувлари (тафтишлари) тўрт йилда кўпи билан бир марта, бошқа тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолиятининг режали солиқ текширувлари (тафтишлари) эса уч йилда кўпи билан бир марта амалга оширилади. Янги ташкил этилган микро фирмалар, кичик корхоналар ва фермер хўжаликларининг молия-хўжалик фаолияти улар давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан дастлабки икки йилда режали солиқ текшируларидан ўтказилмайди.

Япония тажрибаси

Япония давлатида одатда текширилиши керак бўлган давр ўтган 3 йил бўлса-да, ундан олдинги ва кейинги давр ҳужжатларини ҳам текшириш мумкин. Яъни солиқ текшируви пайтида ўтган 3 йилнинг ҳужжатлари текширилса-да солиққа тортиш мумкин бўлган муддат ўтган 5 йилгача деб белгиланган. Ҳужжатларни сохталаштириш ва яшириш каби ноқонуний хатти-ҳаракатлар аниқланганда эса истисно тариқасида ўтган 7 йил мобайнидаги даромадни солиққа тортиш мумкин бўлгани учун бундай ҳолат-

ларда давлат солиқ бошқармаси ёки инспекция бошлигининг қарори билан ўтган 7 йил давомидаги ҳужжатларни текшириш мумкин. Юқоридагилардан ташқари, Япония давлатида ҳали декларация муддати келмаган бўлса-да текширув ўтказилаётган йилнинг ҳужжатларини ҳам текшириш мумкин.

Япония давлатида солиқ органлари томонидан амалга ошириладиган солиқ текшируви асосан 5 кунгача давом этади. Лекин ушбу муддат ишнинг ҳолатига қараб ўзгариб туриши ҳам мумкин.

Япония давлатида солиқ идорасининг бир нафар солиқ текширувани ўтказувчи инспектори йил давомида ўртacha 30-40 та юридик шахс ёки 30 тагача (acosan якка тартиbdаги тадбиркорлик билан шуғулланаётган) жисмоний шахсларни текшириши мумкин.

Мазкур мамлакатда йил давомида юридик шахсларнинг 10 фоизи, жисмоний шахсларнинг эса 4 фоизи солиқ текширувидан ўтади.

Назорат саволлари:

1. Режали солиқ текширувани ўтказишнинг асосий шартлари нималардан иборат?
2. Режадан ташқари солиқ текширувани ўтказиш учун нималар асос бўлади?
3. Қандай ҳолларда режадан ташқари солиқ текшируви ўтказилади?
4. Тугатилаётган юридик шахс солиқ органлари томонидан нима мақсадда текширилади?
5. Солиқ текширувани ўтказиш дастури нима учун зарур?
6. Солиқ текширувларида хўжалик юритувчи субъектнинг қайси фаолият даври текширилади?
7. Солиқ текширувларини ўтказиш муддатлари ҳақида нималарни биласиз?

V. СОЛИҚ ТЕКШИРУВИ ИШТИРОКЧИЛАРИ ҲАМДА УЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

5.1. Солиқ текширувларининг иштирокчилари

Давлат солиқ хизмати органларининг мансабдор шахслари ва солиқ тўловчи солиқ текширувларининг иштирокчилариdir. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига асосан солиқ текширувларида солиқ тўловчининг вакили иштирок этиши мумкин.⁹

Солиқ тўловчининг вакиллари қонунга ёки таъсис ҳужжатига мувофиқ солиқ тўловчининг вакили бўлишга ваколатли шахслардир. Бундай шахслар Ўзбекистон Республикасининг «Солиқ маслаҳати тўғрисида»ги қонунига кўра солиқ маслаҳатчилари ҳисобланади. Солиқ маслаҳатчилари солиқ тўловчиларга шартнома асосида солиқ маслаҳати бўйича хизматлар кўрсатади, жумладан, судда, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органларда солиқ солиш масалалари бўйича мижоз (ишонч билдирувчи) номидан ва унинг топширифига биноан вакиллик қилишни ўз ичига олади.

Солиқ тўловчининг солиқ муносабатларида шахсан иштирок этиши уни вакилга эга бўлиш ҳуқуқидан маҳрум этмайди, худди шунингдек вакилнинг иштирок этиши солиқ тўловчини бундай муносабатларда шахсан иштирок этиш ҳуқуқидан маҳрум этмайди. Солиқ тўловчи вакилларининг мазкур солиқ тўловчининг солиқ муносабатларидағи иштироки муносабати билан содир этилган ҳаракати (ҳаракатсизлиги) солиқ тўловчининг ҳаракати (ҳаракатсизлиги) деб эътироф этилади.

Солиқ тўловчилар вакилларидан ташқари Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексида назарда тутилган ҳолларда солиқ текширувига ушбу текширув натижасидан манфаатдор бўлмаган эксперт, таржимон ва холислар жалб этилиши мумкин.

Экспертиза.

Зарур ҳолларда солиқ текширувларини ўтказишида иштирок этиш учун эксперт жалб этилиши ва экспертиза тайинланиши мумкин. Юзага келган масалаларни тушунтириш учун фан, санъ-

⁹ Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси. –Т.: Адолат. 2009 й. 87-модда.

ат, техника ва бошқа соҳалар бўйича маҳсус билим талаб этилган тақдирда экспертиза тайинланади.

Экспертиза тайинлаш тўғрисидаги қарор текширув ўтказётган мансабдор шахснинг илтимосномаси асосида давлат солиқ хизмати органининг раҳбари томонидан қабул қилинади. Қарорда экспертизани тайинлаш учун асослар, экспертиза ўтказиши керак бўлган ташкилотнинг номи ёки экспертнинг фамилияси, исми, отасининг исми, эксперт олдига қўйилган масалалар ва эксперт ихтиёрига бериладиган материаллар кўрсастилади.

Шахсни эксперт сифатида жалб этиш давлат солиқ хизмати органи ва эксперт ўртасида экспертиза ўтказиш тўғрисида шартнома тузиш асосида амалга оширилади.

Эксперт экспертиза предметига тааллуқли солиқ текшируви материаллари билан танишишга, ўзига қўшимча материаллар тақдим этилиши тўғрисида илтимосномалар беришга ҳақли.

Эксперт, агар унга берилган материаллар етарли бўлмаса, хулоса беришни рад этиши мумкин. Эксперт хуносани ўз номидан ёзма шаклда беради. Эксперт хуносасида унинг ўзи ўтказган текширишлар, шу текширишлар натижасида қилинган хулосалар ҳамда ўртага қўйилган масалаларга асослантирилган жавоблар баён этилади. Экспертнинг хуносаси ёки унинг хулоса бериш имконияти йўқлиги тўғрисидаги хабари текширилаётган шахсга тақдим этилади, мазкур шахс ўз тушунтиришларини бериш ва эътиrozлар билдириш, шунингдек экспертнинг олдига қўшимча масалалар қўйиш ва қўшимча ёки тақорорий экспертиза тайинлашни сўраш ҳуқуқига эга. Қўшимча экспертиза хулоса етарлича аниқ ёки тўлиқ бўлмаган тақдирда тайинланади ва ўша экспертнинг ўзига ёки бошқасига топширилади. Тақорорий экспертиза экспертнинг хуносаси асосланмаган ёки унинг тўғрилигига шубҳа бўлган тақдирда тайинланади ва бошқа экспертга топширилади.

Таржимоннинг иштироки

Зарур ҳолларда солиқ текширувида иштирок этиш учун таржимон жалб этилиши мумкин.

Ишниг натижасидан манфаатдор бўлмаган, таржима қилиш учун зарур даражада тил биладиган ёхуд кар ёки соқов жисмоний шахснинг имо-ишораларини тушунадиган шахс таржимондир.

Таржимон уни таржимонликка тайинлаган давлат солиқ хизмати органи мансабдор шахсининг чақиравига биноан ҳозир бўлиши ва ўзига топширилган таржимани аниқ бажариши шарт.

Таржимонни жалб этиш давлат солиқ хизмати органи ва таржимон ўргасида шартнома тузиш асосида амалга оширилади.

Холислар иштироки

Солиқ текшируви доирасидаги ҳаракатлар амалга оширилаётганда Солиқ кодексида назарда тутилган ҳолларда холислар жалб этилади.

Солиқ текширувининг натижасидан манфаатдор бўлмаган ҳар қандай вояга етган жисмоний шахслар холислар сифатида жалб этилиши мумкин.

Давлат солиқ хизмати органлари ходимларининг холислар сифатида иштирок этишига йўл қўйилмайди.

Холислар ўз иштирокида амалга оширилган ҳаракатларнинг ҳолати, мазмуни ва натижаларини баённомада тасдиқлашлари шарт. Улар содир этилган ҳаракатлар юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини баён этишга ҳақли, бу фикр-мулоҳаза баённомага киритиб қўйилиши керак.

Япония тажрибаси

Текширув учун масъул шахс (текширувчи инспектор) ишнинг мураккаблик даражаси ва текширувчи инспекторнинг тажрибаси ва қобилиятини ҳисобга олиб, солиқ текшируви билан шугулланадиган бўлинманинг масъул ходими томонидан тайинланиб текширув ўtkазиш ҳақида буйруқ берилса-да, солиқ тўловчига кўрсатиш учун ушбу буйруқ ёзма равища тайёрланмайди. Лекин ички хизмат ҳужжати сифатида ҳар бир текширувчи инспектор текшириши керак бўлган солиқ тўловчилар рўйхати тайёрланиб, ҳар куни бевосита раҳбар томонидан текширувларни олиб бориш ҳолати кузатиб борилади.

Солиқ текширувини қоида бўйича солиқ инспекцияси доирасида 1 киши, давлат солиқ бошқармалари доирасида эса 2 киши ўтказса-да, нисбатан йирик корхоналар текширилганда бир неча киши бўлиши ҳам мумкин.

5.2. Солиқ органларининг текширувчи мансабдор шахсларига қўйиладиган талаблар

Хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий-хўжалик фаолиятини текшириш солиқ органларининг тегиши мансабдор шахслари томонидан амалга оширилади. Солиқ органларининг текширувчи мансабдор шахслари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда аттестациядан ўтказилишлари лозим.

Солиқ органлари мансабдор шахсларининг хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текширишига белгиланган намунаданағи маҳсус гувоҳномаси ва Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 88-моддаси (Солиқ текширувини ўтказиш учун асос)да назарда тутилган асослар мавжуд бўлган тақдирда йўл қўйилади. Солиқ текширувини ўтказиш учун асослар ҳақида кейинги қисмларда батафсил тўхталиб ўтамиз.

Текширувга эксперталар жалб этилганда, назорат қилувчи органнинг мансабдор шахси томонидан шу орган ва эксперт ўтрасидаги шартноманинг кўчирма нусхаси албатта тақдим этилади. Шартномада экспертнинг фамилияси, исми, отасининг исми, иш жойи ва лавозими кўрсатилган бўлиши керак. Эксперт хуносасининг тўғрилиги ва унинг Қонун ҳужжатларига мувофиқлиги учун экспертнинг жавобгарлиги тузиладиган шартноманинг зарурый шарти ҳисобланади. Экспертизаларни ўтказиш харажатлари назорат қилувчи органлар ҳисобига амалга оширилади.

Япония тажрибаси

Япония давлатида солиқ текширувларини ўтказиш ваколатига эга солиқ органлари мансабдор шахсларига хизмат гувоҳномасидан ташқари, текширув жараёнида текшириш ҳуқуқини берувчи «текширув ўтказиш учун рухсатнома» берилади. Бу рухсатнома бевосита солиқ бошқармаси ёки солиқ инспекцияси ходимига берилиши мумкин.

Мазкур рухсатнома ходим ишлайдиган давлат солиқ бошқармаси ёки инспекцияси раҳбари томонидан берилади. Унда ходимнинг исми ва фамилияси, ишлайдиган бўлими номи ва текшириши мумкин бўлган солиқ турлари ёзилган бўлади. Чунки Япония давлатида ҳар бир солиқ тури бўйича текширув ўтказувчи алоҳида бўлимлар мавжуд.

Шундай қилиб, солиқ текшируви вақтида текширувчи инспектор ўз хизмат гувоҳномасини кўрсатиб, ўзининг солиқ идора-

си ходими эканлигини, текширув учун рухсатномани кўрсатиб текширишга ваколати борлигини исботлайди ва текширувни амалга оширади. Текширув учун рухсатнома муддати тугагач янгиланмайди ва текширувлар билан шуғулланадиган бўлимдан бошқа бўлимга ишга ўтганда раҳбарга қайтариб берилади.

5.3. Солиқ текширувлари жараёнида солиқ органлари мансабдор шахсларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш чоғида солиқ органлари мансабдор шахсларига Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 24 декабрдаги «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»ги 717-I-сонли ҳамда 1997 йил 29 августдаги «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги қонунларига кўра бир қатор ҳуқуқлар берилган бўлиб, уларга қўйидагилар киради:

1) солиқ текшируви ўтказаётганда:

даромад олиш учун солиқ тўловчилар томонидан фойдаланилаётган ёхуд солиқ солиш обьектларини сақлаб туриш билан боғлиқ ҳудудни, ишлаб чиқариш бинолари, омборхона, савдо биноларини ва бошқа биноларни, шу жумладан жойларни кўздан кечириш;

мол-мулкни инвентаризация қилиш ва бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар ҳажмининг назорат ўлчовларини ўтказиш;

кассаларни ҳамда товар-моддий бойликлар ва ҳужжатлар (шу жумладан электрон тарзидаги) сақланадиган жойларни муҳрлаб қўйиш;

солиқларни ҳисоблаб чиқариш ҳамда тўлаш билан боғлиқ ҳужжатларни талаб қилиб олиш;

ҳужжатларни (кўчирма нусхаларни, шунингдек асл нусхаларни), шу жумладан электрон ҳужжатларни, шунингдек предметларни (товарлар, буюмлар, хом ашё, материаллар ва ярим тайёр маҳсулотларнинг намуналарини) олиб қўйиш, бундан солиқ тўловчининг фаолиятини тўхтатиб қўйишга сабаб бўладиган ҳужжатлар ҳамда предметлар мустасно. Солиқ тўловчининг фаолиятини тўхтатиб қўйишга сабаб бўладиган ҳужжатлар ва предметларни олиб қўйиш фақат суд қарори асосида амалга оширилади;

солиқ тұловчидан, шунингдек солиқ тұловчининг раҳбарлик вазифаларини ёки бухгалтерия ҳисоби ва молиявий бошқарув вазифаларини амалға ошираётган шахслардан, бошқа мөддий жавобгар ходимлардан тушунтиришлар олиш;

таржимонни, экспертни жалб этиш ва экспертиза тайинлаш;

солиқ тұғрисидаги қонун ҳужжатларининг аниқланған бузилишлари бартараф этилишини талаб қилиш;

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексида ва бошқа қонун ҳужжатларыда назарда тутилған бошқа ҳаракатларни амалға ошириш;

3) савдо, товарларни бериш ва пуллук хизматлар күрсатишиң қоидаларига, шунингдек нақд пул тушумининг банкка ўз вақтида топширилишига риоя этилишини текшириш;

4) солиқ текширувлари ўтказилаётганды фискал хотирали назорат-касса машиналарыда сақланаётганды маълумотлардан фойдаланиш;

5) солиқ тұловчи томонидан ҳисоб ҳужжатлари йўқотилған ёки йўқ қилинған тақдирда, бюджетта ва давлат мақсадлы жамғармаларига ўтказилиши лозим бўлған солиқлар суммасини солиқ тұловчи тұғрисидаги, шунингдек унга ўхшаш бошқа солиқ тұловчилар ҳақидаги ўзларыда мавжуд бўлған маълумотлар асосида ҳисоб-китоб қилиш орқали мустақил равишда аниқлаш;

6) солиқ текширувини ўтказишга солиқ тұловчи томонидан тўсқинлик қилинған ёхуд давлат солиқ хизмати органи мансабдор шахсларининг солиқ тұловчи томонидан даромадлар олиш учун фойдаланилаётганды ёхуд солиқ солиши обьектини сақлаш билан боғлиқ ҳудудлар, бинолар, шу жумладан жойларни кўздан кечириш учун кириши рад этилғанды солиқ тұловчининг банклардаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш юзасидан суд тартибида чоралар кўриш.

7) қонун ҳужжатларыда назарда тутилған ҳолларда молиявий ёки маъмурый жазо чораларини қўллаш;

8) режали текширишларни ўтказиш муддатини кўчириш тұғрисида, башарти бунга объектив асослар бўлса, маҳсус ваколатли органга тақдимнома киритиш.

Барча назорат қилувчи органлар қатори солиқ органлари мансабдор шахсларининг ҳам қонуний талаблари текширилаётганды хўжалик юритувчи субъектлар томонидан бажариш учун мажбурийдир.

Юқорида айтиб ўтилган қонунларга кўра солиқ органлари мансабдор шахслари солиқ текширувлари билан боғлиқ жараёнларда қўйидаги мажбуриятларга амал қилишлари шарт:

1) солиқ текширувлари ўтказилаётганда солиқ тўловчиларга уларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини маълум қилиши, шунингдек текширишларни тартибга солишга доир қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига риоя этиши;

2) текширилаётган хўжалик юритувчи субъектларга текшириш ўтказиш ҳуқуқини берувчи зарур ҳужжатларни кўрсатиш;

3) хўжалик юритувчи субъектлар ишлашига халал бермаслик;

4) текширишларни қайд этиш дафтарига Қонун ҳужжатларидан белгиланган тартибда ёзib қўйиш;

5) солиқ тўловчи тўғрисидаги маълумотлар қонун ҳужжатларига мувофиқ сир тутилишига риоя этиши;

6) текширув натижаларини далолатнома (маълумотнома) билан расмийлаштириб, унинг бир нусхасини текширилаётган хўжалик юритувчи субъект ихтиёрида қолдириш;

7) солиқ тўловчиларга ўтказилган текширувлар натижалари тўғрисида маълум қилиши;

8) масалани ҳал этиш давлат солиқ хизмати органларининг ваколат доирасидан чиқсан ҳолларда, қонун ҳужжатлари бузилганлиги фактларига доир материалларни прокуратура, ички ишлар, миллий хавфсизлик хизмати органларига ва судларга топшириши лозим.

Эслатма: Солиққа тортши муносабатларида, шу жумладан солиқ текширувлари жсаёнида солиқ тўловчилар томонидан зиммаларига юклатилган мажбуриятларининг бажарилиши текширучилар учун субъектив ҳуқуқни юзага чиқаради.

Ҳудудлар ва жойларни кўздан кечириш. Мол-мулкни инвентаризациядан ўтказиш.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 93-моддасига асосан солиқ текширувини ўтказаётган давлат солиқ хизмати органининг мансабдор шахслари, зарурат бўлганда, солиқ тўловчи томонидан даромадлар олиш учун фойдаланилаётган ёки солиқ солиши объектлари билан боғлиқ ҳудудларни, ишлаб чиқариш, омборхона, савдо биноларини ҳамда бошқа бинолар, шу жумладан жойларни кўздан кечириши, шунингдек солиқ тўловчининг мол-мулкини инвентаризациядан ўтказиши мумкин. Кўздан ке-

чириш ўтказилаётганда солиқ текшируви қайси шахсга нисбатан амалга оширилаётган бўлса, ўша шахс ёки унинг вакили қатнашишга ҳақли. Кўздан кечириш ўтказилаётганда зарур ҳолларда фото ва киносуратга олиниши, видеоёзувга туширилиши, ҳужжатлардан кўчирма нусхалар олиниши мумкин, бу ҳақда баённомада кўрсатилади. Кўздан кечириш натижалари бўйича баённомада тузилади.

Ҳужжатларни талаб қилиб олии

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 94-моддасига асосан Давлат солиқ хизмати органининг солиқ текшируванинг ўтказаётган мансабдор шахслари текширилаётган солиқ тўловчиidan солиқлар ва бошقا мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқариш, тўлаш билан боғлиқ, текширув мақсадларига тегишли ва текширилаётган даврга тааллуқли ҳужжатларни талаб қилиб олишга ҳақли бўлади.

Ҳужжатларни ва предметларни олиб қўйиш

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 95-моддасига асосан солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилганлигидан далолат берувчи ҳужжатлар ва ҳуқуқбузарлик предметлари солиқ текшируванинг ўтказаётган давлат солиқ хизмати органи мансабдор шахсининг асослантирилган қарори асосида олиб қўйилади. Аммо солиқ тўловчининг фаолиятини тўхтатиб қўйишга сабаб бўладиган ҳужжатлар ва предметларни олиб қўйиш фақат суд қарори асосида амалга оширилади. Бундан ташқари ҳужжатлар ва предметларни тунги соат 23-00 дан 6-00 гача олиб қўйиш, солиқ текширувига тааллуқли бўлмаган ҳужжатлар ва предметларни олиб қўйиш ман этилади.

Солиқ тўловчининг банклардаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 96-моддасига асосан солиқ текшируванинг ўтказишига солиқ тўловчи томонидан тўсқинлик қилинган ёхуд давлат солиқ хизмати органи мансабдор шахсларининг солиқ тўловчи томонидан даромадлар олиш учун фойдаланилаётган ёки солиқ солиши объектини сақлаш билан боғлиқ ҳудудлар, бинолар, шу жумладан жойларни кўздан кечириш учун кириши рад этилган ҳолларда давлат солиқ хизмати органи солиқ тўловчининг банклардаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш тўғрисидаги ариза билан судга мурожаат қилишга ҳақли ҳисобланади.

5.4. Текширилаётган хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

Солиқ органлари томонидан текширув ўтказилаётганда хўжалик юритувчи субъектлар (солиқ тўловчилар) Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси ҳамда 1998 йил 24 декабрдаги «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»ги 717-I-сонли қонунига кўра қўйида-ги ҳуқуқларга эгадир:

ўз фаолиятлари текширилиши тўғрисидаги тегишли ахборотга эга бўлиш;

назорат қилувчи органларнинг текширувчи мансабдор шахсларидан маҳсус ваколатли орган ёки унинг ҳудудий бўлинмалари қарорини, текшириш ўтказиш учун асос ҳисобланувчи бошқа ҳужжатларни талаб қилиш, текширувчиларнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар билан танишиш;

текшириш ўтказиш учун асосга эга бўлмаган шахсларнинг текшириш ўтказишига ўйл қўймаслик;

назорат қилувчи органларнинг текширувчи мансабдор шахсларининг ваколатига кирмайдиган масалаларга оид талабларни бажармаслик ва текшириш предметига тааллуқли бўлмаган материаллар билан уларни таништирмаслик;

назорат қилувчи органларнинг текширувчи мансабдор шахсларидан текшириш тугаганидан сўнг ўн кун муддат ичida текшириш натижаларини акс эттирувчи ҳужжатнинг бир нусхасини олиш;

қонунда белгиланган тартибда текшириш натижалари устидан шикоят қилиш.

Хўжалик юритувчи субъектлар текширувчиларнинг қонуний талабига биноан текшириш ўтказиш учун зарур бўлган материаллар ва ҳужжатларни тақдим этишга, уларни текшириш обьектларига киритишга, текширувчиларга ўз вазифаларини бажаришлари учун кўмаклашишга мажбурдирлар.

Эслатма: Солиқقا тортиси муносабатларида, шу жумладан солиқ текширувлари жараёнда солиқ органлари мансабдор шахслари томонидан зиммаларига юклатилган мажбуриятларни бажарилиши солиқ тўловчилар учун ҳам субъектив юзага чиқаради.

Япония тажрибаси

Солиқ түловчи текширув натижасыда белгиланган солиқ суммасыдан норози бўлиб, қайта (тўғриланган) декларация топширмай юқоридаги солиқни тўғри белгилаш ҳақида буйруқ олса, давлат солиқ бошқармаси ва инспекциясидан алоҳида инстанция бўлган солиққа оид шикоятларни кўриб чиқувчи арбитражга ёзма шикоят хати билан мурожаат қилиб, ишни текширишни талаб қилиши мумкин.

Арбитраж томонидан ўтказилган текширувдан ҳам норози бўлса, судга даъво аризаси билан чиқиши мумкин. Лекин арбитражга ёзма шикоят қиласдан тўппа-тўғри судга даъво аризаси билан чиқиши мумкин эмас. Айтиб ўтиш керакки, Японияда хўжалик судлари мавжуд эмас.

Текширувга ёрдам беришдан бош тортган солиқ тўловчиларга жавобгарлик белгиланган. Сабаби солиқ текшируви тўғри солиққа тортишни таъминлаш учун зарур маъмурӣ тамоийл (процедура) деб топилиб, мазкур текширув фақатгина солиқ тўловчининг тушуниш даражаси ва ҳамкорлигига сунадиган бўлса, амалда савол бериш ва текширув ўтказиш мумкин бўлмай қолиши ва бу ҳолатда текширувнинг самарали бўлишига умид қилиб бўлмайди. Бундан ташқари, ҳар бир солиқ тўловчи текширувга бир хил даражада ёрдам беради деб айтиб ҳам бўлмайди.

Шунинг учун ҳар бир солиқ тури бўйича қонунларда, агар текширув пайтида солиқ тўловчи текширувдан бош тортса, саволларга жавоб бермаса ёки ёлғон жавоб берса 200 минг ѹен (2200 АҚШ доллари атрофида) гача жарима ва 1 йилгача озодликдан маҳрум қилиниши белгиланган.

Натижада, мазкур текширув бевосита мажбурий текширув бўлмаса-да оддий қилиб айтганда «ихтиёрий» эмас. Жавобгарлик белгилангани учун солиқ тўловчилардан ҳамкорлик қилишини талаб қилиш орқали «бевосита мажбурий» текширув деб аташ мумкин. Лекин амалиётда ушбу жавобгарлик нормалари деярли қўлланилмай, солиқ тўловчи текширув пайтида текширувчига ҳамкорлик қиласдан тақдирда ҳам бўшқа тахминий усуллар билан солиқлар ҳисобланиб (солиққа тортилиб),adolatли солиққа тортиш таъминланади.

Японияда солиқларни тахминий ҳисоблаб солиққа тортиш ҳолатлари сони юридик ва жисмоний шахсларни қўшганда 1 йилда 1000 дан ортиқни ташкил этади.

5.5. Текширишларни рўйхатга олиш китоби ва уни тўлдириш тартиб қоидалари

ТЕКШИРИШЛАРНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ КИТОБИ

(хўжалик юритувчи субъектнинг тўлиқ номи)

(хўжалик юритувчи субъектнинг жойлашган ёри (пошли манзили)

(солиқ тўловчининг идентификация рақами)

№	Назорат ёки хукуқни муҳофаза қилиувчи органинг номи	Текширувчининг исми, фамилияси, отасининг исми ва туроҳнома рақами	Аудиторлик ташкилотининг номи (лицензия берилган сана, рақами ва мал ғилини муддати), аудитор, экспертнинг Ф. И. О. (шахсни таснифовин ҳўжжат)	Текшириш ўтказиш учун асос; жинонй иш рақами	Текшириш тури ва мақсади	Текширишни бошлиши ва тутагиши санаси ва вакти	Текширишнинг аниқ давом этилган муддатлар	Текширишни бошлиши ва тутагиши санаси ва вакти	Текширишни бошлиши ва тутагиши санаси ва вакти	Талааб қилинган ҳўжжатлар	Текшириш жараёнда кўрилган чоралар	Хўжалик юритувчи субъект раҳбарининг (яка тадбиркорининг) фикри
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	

«Текширишларни рўйхатга олиш китоби»ни тўлдириш қоидалари

Хўжалик юритувчи субъектларнинг «Текширишларни рўйхатга олиш китоби» жами 12 устундан иборат бўлиб, ушбу устунлар қўйидаги тартибда тўлдирилади:

1. Текширувчи орган текширишларни рўйхатга олиш китобининг 2-7 устунларини, текширилувчи хўжалик юритувчи субъект эса 8-12 устунларини тўлдириши шарт.

2. Иккинчи устунда текширувчи органнинг тўлиқ расмий номи, унинг пошли манзили, раҳбарининг фамилияси, исми, отасининг

исми, у бўлмаган тақдирда – унинг вазифасини бажарувчи шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми кўрсатилади.

3. Учинчи устунда текширувчининг фамилияси, исми, отасининг исми, гувоҳнома (шу жумладан маҳсус гувоҳнома) рақами, гувоҳномани берган идора номи, гувоҳноманинг амал қилиш муддати кўрсатилади. Текширишларни рўйхатга олиш китоби тўлдирилгандан ва текшириш тугагандан сўнг мансабдор шахс – текшириш раҳбари ушбу устунга Китобга қайд қилинган ёзувларнинг тўғрилигини ёзма равишда тасдиқлайди, сана ва вақтни кўрсатган ҳолда имзо қўяди.

4. Тўртинчи устунда аудиторлик ташкилоти ва/ёки эксперт жалб этилган тақдирда, аудиторлик ташкилотининг номи, лицензия берилган сана, рақами ва амал қилиш муддати, аудитор ва/ёки экспертнинг фамилияси, исми, отасининг исми, шахсини тасдиқловчи гувоҳнома рақами кўрсатилади.

5. Бешинчи устунда текшириш ўтказиш режа-жадвалини тасдиқлаган орган номи ва уни тасдиқлаш санаси; буйруқни чиқарган мансабдор шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми, буйруқни тасдиқлаш рақами ва санаси; қўзғатилган жиноят иши билан боғлиқ текширишни тайинлаш тўғрисида қарор чиқарган мансабдор шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми, қарорнинг санаси, шунингдек жиноят ишининг рақами кўрсатилади.

6. Олтинчи устунда текшириш турининг тўлиқ номи (режали текшириш, режадан ташқари текшириш, қисқа муддатли текшириш, муқобил текшириш, назорат тартибида текшириш) ва мақсади кўрсатилади. Текшириш турининг номи текшириш ўтказиш режа-жадвалига, номи, мақсади эса – буйруқда кўрсатилганига мувофиқ бўлиши лозим.

7. Еттинчи устунда текшириш ўтказиш муддати кўрсатилади. У текшириш ўтказиш режа-жадвалида кўрсатилган муддатдан ошмаслиги лозим.

8. Саккизинчи устунда ҳар кунги текшириш ўтказишни бошлиш ва тугатиш вақти, санаси кўрсатилади. Ушбу устунда зарур ҳолларда текширувчи мансабдор шахсларнинг хўжалик юритувчи субъектнинг ички тартибида белгиланган иш вақти тугаганидан кейинги фаолияти ҳақида маҳсус белгилар қўйилади.

9. Тўққизинчи устунда текширишнинг ҳақиқатан давом этган календарь муддати кўрсатилади.

10. Ўнинчи устунда талаб қилинган ҳужжатларнинг тўлиқ номи кўрсатилади. Ушбу устунда талаб қилинган ҳужжатлар тавсифи текшириш ўтказиш режа-жадвали ҳамда буйруқда кўрсатилган текшириш тури ва мақсадларига мос келмаган ҳолда маҳсус белгилар қўйилади.

11. Ўн биринчи устунда хўжалик юритувчи субъектга нисбатан белгиланган тартибда кўрилган чоралар (ишлаб чиқаришни тўхтатиш, омборни ёки бутунлай корхонани муҳрлаш, пул маблағларидан ва/ёки хом ашёдан фойдаланишини тақиқлаш, молия ва бошқа ҳужжатларни олиб қўйиш ва ҳ. к.) кўрсатилади.

12. Ўн иккинчи устунда хўжалик юритувчи субъект раҳбарининг (якка тартибдаги тадбиркорнинг) «Розиман», «Рози эмасман», «Эътиrozлар билан розиман» шаклларидағи фикри кўрсатилади. «Рози эмасман» шаклларидаги фикр кўрсатилган ҳолатда хўжалик юритувчи субъект раҳбари (якка тартибдаги тадбиркор) бунинг асосланган сабабларини кўрсатади. «Эътиrozлар билан розиман» шаклларидаги фикр кўрсатилган ҳолда асосланган эътиrozлар келтиради. Текширишларни рўйхатга олиш китоби тўлдирилгандан ва текшириш тугагандан сўнг хўжалик юритувчи субъект раҳбари (якка тартибдаги тадбиркор, хўжалик юритувчи субъект раҳбари бўлмаган тақдирда – унинг вазифасини бажарувчи шахс) ушбу устунга Китобга қайд қилинган ёзувларни тўғрилиги ҳақида сана ва вақтни кўрсатган ҳолда ўзининг имзоси билан тасдиқлайди.

Текширишларни рўйхатга олиш китобида ўчириб ёзиш ва бўяш тақиқланади. Тўғрилашлар хато ёзувлар ўчирилиб, керакли маълумотларни устидан қайта ёзиш ёки қўлда устидан ёзиш йўли билан амалга оширилиши лозим. Ҳар бир бундай тузатишлар мансабдор шахс – текшириш раҳбарининг ва хўжалик юритувчи субъект раҳбари (якка тартибдаги тадбиркор)нинг имзоси билан тасдиқланади.

Назорат саволлари:

1. Солиқ текширувларида кимлар иштирок этишга ҳақли?
2. Солиқ тўловчининг вакили деганда кимлар тушунилади?
3. Қандай ҳолатларда солиқ текширувларини ўтказишда иштирок этиш учун эксперт жалб этилади?

4. Солиқ текшируvida холислар ким томонидан ва нима мақсадда жалб этилади?
5. Солиқ органларининг текширувчи мансабдор шахсларига солиқ текширувлари жараёнида қандай талаблар қўйилган?
6. Солиқ текширувлари жараёнида солиқ органлари мансабдор шахслари қандай ҳуқуқларга эга?
7. Қандай ҳолатларда солиқ тўловчининг банклардаги ҳисобварақлари бўйича операциялар тўхтатиб турилади?
8. Қайси солиқ қонунчилиги ҳужжатида текширилаётган хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари белгилаб қўйилган?
9. Текширишларни рўйхатга олиш китоби ва уни тўлдириш тартиб қоидалари қайси меъёрий ҳужжатда белгилаб қўйилган?

VII. ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКTLAP ФАОЛИЯТИНИ ТЕКШИРИШ ТАРТИBLARI

6.1. Юридик шахслар молиявий-хўжалик фаолиятини текшириш тартиблари

Хўжалик юритувчи субъектлар, жумладан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган юридик шахслар фаолиятида солиқ текширувлари асосан уларнинг молиявий хўжалик фаолиятини текшириш мақсадида ташкил этилади. Юридик шахсларнинг молиявий-хўжалик фаолияти бўйича солиқ органлари томонидан ўtkaziladigan текширишлар ҳам ташкил қилинишига кўра уч хил, яъни режали, режадан ташқари ҳамда муқобил тарзда амалга оширилиши мумкин.

Юридик шахслар молиявий-хўжалик фаолияти бўйича режали солиқ текшируви Ўзбекистон Республикаси солиқ қонунчилигига кўра ҳар йилги тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текширишларнинг йиллик ва йил чоракларига мўлжалланган режажадвалига киритилган хўжалик юритувчи субъектларда ўtkaziladi. Жумладан, микрофирмалар, кичик корхоналар ва фермер хўжаликлари молия-хўжалик фаолиятини режали солиқ текши-

ришлар тўрт йилда кўпи билан бир марта, бошقا тадбиркорлик субъектлариники эса уч йилда кўпи билан бир марта амалга оширилади.

Янги ташкил топган тадбиркорлик субъектларининг молияхўжалик фаолияти бўйича текширувлари улар давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб икки йил мобайнида режали солиқ текширишдан ўтказилмайди.

Юридик шахслар фаолияти бўйича режадан ташқари солиқ текширувлари асосан юридик шахс тугатилаётганда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёки Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг қарорларидан келиб чиқувчи текширувларни ўтказиш зарур бўлганда, давлат солиқ хизмати органига солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари солиқ тўловчи томонидан бузилганини ҳоллари ҳақида қўшимча маълумотлар тушгандан ўтказилади. Бу текширув кўп ҳолларда савдо ва умумий овқатланиш корхоналарida қисқа муддатли текширув шаклида амалга оширилб туради.

Улгуржи ва чакана савдодаги умумий овқатланиш ва пулли хизматлар кўрсатиш соҳасидаги тадбиркорлик субъектлари томонидан савдо-сотиқ ҳамда нақд пул тушумини топшириш қоидаларига риоя этилишини режадан ташқари қисқа муддатли текширишлардан ўтказиш тўғрисидаги қарорлар истисно тартибида туман комиссияларининг раислари ёки вилоят комиссиялари раисларининг ўринbosарлари – солиқ бошқармалари бошлиқлари томонидан имзоланадиган рўйхатлар кўринишида расмийлаштирилади. Рўйхатларда текширилаётган тадбиркорлик субъекти номи ва СТИР, текширилаётган тадбиркорлик субъекти улгуржи ва чакана савдо, умумий овқатланиш ва пулли хизматлар кўрсатиш обьектининг юридик манзили, шунингдек обьект амалга ошираётган фаолият тури ва режадан ташқари қисқа муддатли текшириш ўтказиш муддати кўрсатилиши керак.

Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини муқобил текширишлар Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат солиқ бошқармалари томонидан тегишинча Кенгаш ва унинг вилоят комиссияси қарори бўйича, қўзғатилган жиноят ишлари бўйича эса текшириши тайинлаш тўғрисидаги қарорга асосан, фақат уларнинг текширилаётган тадбиркорлик субъекти билан ўзаро муносабатларига доир қисм бўйича ўтказилади. Тадбиркорлик субъектининг текшириш обьекти билан ўзаро муносабатлари дейилганда, шахсларнинг

ҳужжат билан тасдиқланган аниқ алоқасини тушуниш керак. Муқобил текширишлар ўтказилаётганда тадбиркорлик субъектларига бориш ва улардан текшириш предметига тааллуқли бўлмаган молия-бухгалтерия ёки бошқа ҳужжатларни талаб қилиш ман этилади.

Солиқ текширувларини амалга оширишда аввало солиқ органида солиқ текширувни ўтказиш дастури тайёрланади. Унда асосан текширилаётган хўжалик юритувчи субъект билан боғлиқ қўйидагилар кўрсатилиши керак:

солиқ текшируви ўтказилаётганда ўрганиладиган масала ёки масалалар доираси;

солиқ текшируви солиқ тўғрисидаги қайси қонун ҳужжатларига риоя этилишини ўрганиш учун ўтказиладиган бўлса, шу қонун ҳужжатларининг рўйхати;

текширув туридан келиб чиққан ҳолда бошқа маълумотлар.

Мазкур дастурни тузиш қоидалари назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи маҳсус ваколатли орган билан келишилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан белгиланади.

Солиқ текшируви дастури тузилгач, текширув ўтказилиши тўғрисида солиқ органининг буйруғи чиқарилади. Маълум бир хўжалик юритувчи субъектда текширув ўтказиш тўғрисидаги буйруқда қўйидагилар акс эттирилиши керак:

буйруқ чиқарган давлат солиқ органининг номи;

солиқ текшируви (тафтиш) мақсади;

текшириладиган хўжалик юритувчи субъектнинг номи, унинг идентификация рақами, юридик манзили;

текширувчиларнинг исми, фамилияси, отасининг исми, лавозими;

текширув бошланиш санаси ва якунланадиган санаси;

текширилиши лозим бўлган давр ва бошқалар.

Текширув ўтказишдан олдин солиқ органларида хўжалик юритувчи субъект ҳақида бор маълумотларни ўрганиб чиқиб, текширувга ***пухта тайёргарлик ишлари*** ўтказилиши ва қўйидагилар амалга оширилиши зарур:

текширув (тафтиш) ўтказиладиган давр учун солиқ инспекциясига тақдим этилган солиқ ҳисоботлари, бухгалтерия баланслари ва декларацияларни бир-бири билан боғлиқ бўлган солиқ турлари ва солиқ солиш объектлари ўртасидаги тақсимо-

тини таҳлил қилиш, молиявий-хўжалик фаолиятга таъсир этувчи асосий кўрсаткичлар (ишлаб чиқариш, кўрсатилган хизматлар ҳажми, бошқа даромадлар ва харажатлар, ишлаб чиқариш қуввати ва ҳ. к.) ўрганилади;

солиқ, мажбурий тўловлар ва боқимандалар ҳолатини таҳлил қилиш учун ДСИдан солиқ тўловчининг шахсий ҳисоб рақамидан (лицевой счет) кўчирма олиниб таҳлил қилинади;

хизмат кўрсатувчи банқдан хўжалик юритувчи субъектнинг ҳисоб рақамлари айланмаси ҳақида кўчирма ва бошқа банклардаги ҳисоб, валюта ҳамда иккиламчи ҳисоб рақамлари тўғрисида маълумотлар олиниб таҳлил қилиш лозим;

бухгалтерия ҳисботларининг ҳаққонийлигини аниқлаш мақсадида статистика ва молия органларидан ушбу хўжалик юритувчи субъект томонидан тақдим қилинган ҳисботлар ҳақида маълумотлар олиниши лозим.

6.2. Якка тартибдаги тадбиркорлик фаолиятини текшириш тартиблари

Солиқ органлари якка тартибдаги тадбиркорлар фаолиятини текширишларни мувофиқлаштирувчи Кенгаш, унинг вилоят ва туман комиссиялари руҳсатлари асосида текширадилар. Якка тартибдаги тадбиркорлар фаолиятини текшириш улар томонидан маҳсулот ишлаб чиқарилаётган, товарлар савдо қилинаётган, турли хизматлар бажарилаётган ва/ёки хизматлар кўрсатилаётган турғун объектлар (бино, иншоотлар)да амалга оширилади.

Солиқ идоралари томонидан якка тартибдаги тадбиркорлар фаолиятини текширишда қўйидаги масалалар кўрилади:

а) солиқ ва ташқи иқтисодий фаолият тўғрисидаги қонунчиликка риоя этилиши;

б) савдо ва хизмат кўрсатиш қоидаларига риоя этилиши, шу жумладан назорат-касса машинаси, ҳисоб терминаллари қўлланилиши, сотилаётган мажбурий сертификатланадиган товарларга мувофиқлик сертификатлари, ўлчов асбобларида белгилangan тамғалари мавжудлиги;

в) пул маблағлари ҳисобини юритиш ва муомалалари тўғрисидаги ва бошқа қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилиши.

Лицензияланадиган фаолият билан шуғуланаётган якка тартибдаги тадбиркорларда лицензия талаблари ва шартларига риоя этилиши ҳам текширилади.

Якка тартибдаги тадбиркорлар фаолияти солиқ органлари томонидан уларнинг қонунчиликда белгиланган ваколатлари доирасида бир кун давомида режадан ташқари қисқа муддатли, муқобил ёки назорат тартибда текширишлар шаклида амалга оширилиши мумкин. Истисно тариқасида якка тартибдаги тадбиркорларнинг молиявий ва товар ҳужжатларини текшириш зарурати бўлган ҳолларда, Кенгаш қарори билан якка тартибдаги тадбиркор фаолиятини бундан кўпроқ, лекин 5 иш кунидан ошмаган муддатда текшириш ўтказиш кўзда тутилиши мумкин.

Якка тартибдаги тадбиркорлар фаолиятини режадан ташқари текширишлар солиқ органлари томонидан уларнинг ўтказилишини асослаб берадиган сабаблар мавжуд бўлган қўйидаги ҳолларда амалга оширилади:

- текширишларни ўтказиш зарурати Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Ҳукуматининг қарорларидан келиб чиққандада;

- назорат қилувчи органга якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан қонунлар ва бошқа қонун ҳужжатлари бузилганлиги тўғрисида қўшимча маълумотлар келиб тушганда.

Якка тартибдаги тадбиркорлар фаолиятини муқобил текширишлар назорат қилувчи органларнинг марказий аппаратлари ва уларнинг ҳудудий бўлинмалари томонидан тегишлича Кенгаш, вилоят ва туман комиссиялари қарорларига мувофиқ, қўзғатилган жиноят ишлари бўйича эса текширишни тайинлаш тўғрисида қарорга асосан, фақат уларнинг текширилаётган тадбиркорлик субъекти билан ўзаро муносабатларига доир қисми бўйича ўтказилади. Якка тартибдаги тадбиркорнинг текшириш объекти билан ўзаро муносабатлари дейилганда, шахсларнинг ҳужжат билан тасдиқланган аниқ алоқасини тушуниш керак. Муқобил текширишлар ўтказилаётганда якка тартибдаги тадбиркорларга бориш ва улардан текшириш предметига тааллуқли бўлмаган молия-бухгалтерия ёки бошқа ҳужжатларни талаб қилиш ман этилади.

Якка тартибдаги тадбиркорлар фаолиятини режадан ташқари ёки муқобил текшириш ўтказиш учун назорат қилувчи органнинг марказий аппарати Кенгашга, назорат қилувчи органлар-

нинг ҳудудий бўлинмалари эса тегишли вилоят ва туман комиссияларига режадан ташқари текширишни ўтказиш учун уни ўтказишнинг зарурлигини асослаган ҳолда қуйидә келтирилган шаклларда буюртма ҳамда назорат органи раҳбари томонидан имзолangan текширишни ўтказиш режасини юборади.

(назорат қилувчи орган номи)

**Фаолиятини турғун объектлар (бинолар, иншоотлар)да
амалга оширадиган якка тартибдаги тадбиркорлар
фаолиятини _____ текшириш**
(режадан ташқари, муқобил)
**ўтказиш учун
БУЮРТМА**

N т/р	Туман (шаҳар) номи	Якка тартибда- ги тадбир- корнинг фамилия- си, исми, отасининг исми	СТИР	Текши- риладиган объект- нинг жойлашган манзили	Якка тартибдаги тадбиркорнинг фаолият тури	Текшириш ўтказиш санаси
1	2	3	4	5	6	7

«____» 20__ йил

(назорат қилувчи
орган раҳбари)

(назорат құлувчи орган номи)

**Фаолиятини турғун объектлардан ташқарида
амалға оширадиган якка тартибдаги тадбиркорлар
фаолиятини _____ текшириш**
(режадан ташқари, муқобил)
**ұтказиш учун
БУЮРТМА**

N т/р	Туман (шаҳар) номи	Якка тартибдаги тадбиркорнинг фаолиятини текшириш жойи (бозор, савдо маркази, құча ва бошқалар номи)	Текши- риш масала- си	Текшириш ұтказиш санаси
1	2	3	4	5

«___» 20 ___ ыйл

(назорат құлувчи
орган раҳбари)

Кенгаш, унинг вилоят ва туман комиссиялари ишчи органлари тегишли назорат органлари билан ҳамкорликда тақдим этилған буюртмалар ва текшириш ұтказиш режаларининг асослилигини, текширишларни ұтказиш режаларининг назорат құлувчи орган зиммасига юқлатылған вазифаларга мослигини ўрганиб чиқадилар. Кенгаш ёки вилоят, туман комиссиялари ишчи органлари буюртма келиб түшгандан кейин бир ҳафта муддатда ўрганиб чиқыш яқунларига кўра қарор лойиҳасини тайёрлаб, тегишли Кенгашга, вилоят ёхуд туман комиссияларига киритадилар.

Якка тартибдаги тадбиркорлар фаолиятини текшириш ёки текшириш ұтказишни рад этиш, уларни ұтказиш муддатини күчириси ҳамда текширишларни ташкиллаштириш ва ұтказиш билан боғлиқ барча масалалар юзасидан қарорлар тегишлича Кенгаш

раиси (унинг ўринбосарлари), вилоят ва туман комиссиялари рас-
ислари томонидан имзоланадиган қарор ёки хат шаклида рас-
мийлаштирилади.

Савдо, умумий овқатланиш ва пуллик хизматлар кўрсатиш соҳасидаги якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан савдо ва нақд пул тушумини топшириш қоидаларига риоя этилиши юзасидан режадан ташқари қисқа муддатли текширишлар ўтказиш тўғрисидаги қарорлар Кенгаш raisи (унинг ўринбосарлари), вилоят ва туман комиссиялари раислари ҳамда истисно тариқасида вилоят комиссиялари раисларининг ўринбосарлари – солиқ бошқармалари бошлиқлари томонидан имзоланадиган рўйхатлар кўринишида расмийлаштирилади. Рўйхатларда текшириладиган якка тартибдаги тадбиркорларнинг номи, СТИР ҳамда фаолият жойи кўрсатилган бўлиши керак. Мазкур бандда назарда тутилган масалалар юзасидан қарорлар қисқа муддатларда, бироқ Кенгаш ишчи органи (вилоят ёки туман комиссиялари) томонидан тегишли ҳужжатлар киритилгандан кейин уч кундан кечиктиримай қабул қилинади.

Якка тартибдаги тадбиркор фаолиятини режадан ташқари текширишга рухсат берилган тақдирда текшириш ўтказиш режаси Кенгаш (вилоят ва туман комиссияси) билан келишилади.

Назорат тартибида текширишларни ўтказиш назорат қилувчи органлар томонидан уларнинг ўзлари ўтказган текшириш натижалари бўйича фақат далолатномада (маълумотномада) белгиланган ҳолатлар бўйича ва муддатларда, Кенгаш, унинг вилоят ва туман комиссиялари қўшимча қарорисиз амалга оширилади. Якка тартибдаги тадбиркорлар текшириш натижалари бўйича далолатномада (маълумотномада) белгиланган муддатларда назорат тартибида текширишлар ўтказишга рози бўлмаса, уларни ўтказиш муддатлари белгиланган тартибга мувофиқ Кенгаш, вилоят ёки туман комиссияларининг қарорлари билан белгиланади. Бунда ўтказилган текшириш натижалари бўйича далолатнома (маълумотнома) назорат тартибида текшириш ўтказиш зарурлиги учун асос бўлади.

Назорат қилувчи органлар томонидан якка тартибдаги тадбиркорга тақдим этиладиган назорат қилувчи орган раҳбарининг ёзма буйруғи асосида Кенгаш (вилоят комиссиялари) билан қўшимча келишувсиз назорат функциялари қўйидаги ҳолларда амалга оширилади:

назорат қилувчи органда якка тартибдаги тадбиркор томонидан қонун бузиш ҳолатлари содир этилганлиги тўғрисида ишончли маълумотлар бўлган тақдирда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тегишли назорат қилувчи органлар томонидан якка тартибдаги тадбиркорларнинг тақиқланган маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва сотиш (хизмат) ҳолатларини бартараф этиш бўйича тезкор тадбирлар ўтказиш;

назорат қилувчи органлар мансабдор шахслари томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ уларга берилган ваколатлар доирасида якка тартибдаги тадбиркорларда фаолият кўрсатиш ҳуқуқини берувчи рухсатномаларнинг, солиқ ва мажбурий тўловларнинг тўланганлиги тўғрисидаги квитанциялар ёки бошقا тўлов ҳужжатлари, товар чеклари китобчаси (якка тартибдаги тадбиркорлар чакана савдо фаолияти билан шуғулланган ҳолларда) мавжудлиги, шунингдек электр энергия ҳисоблагич асбобларининг кўрсаткичларини фойдаланилган электр энергия учун ҳақиқатда тўланган миқдорлар билан таққослаш бўйича амалга ошириладиган ҳаракатлар.

Солиқ идораларининг текшириш ваколатига эга мансабдор шахслари текшириш вақтида хўжалик юритувчи субъект раҳбари ёки якка тартибдаги тадбиркорга қўйидаги ҳужжатларни топшириши шарт:

хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текширишларни амалга оширишнинг мувофиқлаштириш режасидан кўчирма нусхасини ёки назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи маҳсус ваколатли органнинг режадан ташқари солиқ текшируви ёки муқобил текширув ўтказиш тўғрисидаги қароридан кўчирма нусхасини;

давлат солиқ хизмати органининг тегишли солиқ текшируви тайинланганлиги тўғрисидаги буйруғи нусхасини;

солиқ текширувини ўтказиш дастурининг кўчирма нусхасини.

Мазкур ҳужжатлар текширувчи томонидан текширилувчига топширилгач, ундан тилҳат олинади. Ушбу ҳужжатлар солиқ тўловчига топширилган пайт солиқ текширувини ўтказиш бошланган пайт деб ҳисобланади. Солиқ тўловчининг мазкур ҳужжатларни олишдан бош тортганлиги солиқ текширувини бекор қилиш учун асос бўлмайди. Солиқ тўловчи мазкур ҳужжатларни олишдан бош тортган тақдирда, давлат солиқ хизмати органи мансабдор шахси томонидан унинг ўзи ва солиқ тўловчи имзо-

лайдиган далолатнома тузилади. Солиқ тұловчи ушбу далолатномани имзолашдан бош тортган тақдирда, бу ҳақда далолатномага тегишили ёзув киритилади. Бундай ҳолда далолатнома имзоланған пайт солиқ текширувини ўтказишнинг бошланиши ҳисобланади.

Япония тажрибаси

Япония давлатида текширув ўтказишнинг аниқ (асосий) методикаси қонунчилікда чегараланмай, текширувчи инспекторнинг ихтиёрида бұлғаны учун текширув объектининг фаолият тури, олдинги текширув натижалари, текширувчи инспекторнинг тажрибаси ва қобилиятини ҳисобға олган ҳолда раҳбар асосий текширув усулларини күрсатиб беради.

Умумий текширув ўтказиш методикаси қуйидагича:

А) Олдиндан хабар бериш. Солиқ текшируви асосан солиқ тұловчининг олдига бориб ўтказилгани учун текширувга бориладиган кун, вақт ва тайёрлаб қўйилиши лозим бўлган ҳужжатлар сони солиқ тұловчига олдиндан хабар қилинади. Бу хабар асосан телефон орқали етказилиб, ёзма хабарнома берилмайди.

Б) Текширув ўтказиш жойи. Текширув биринчи кунидан бошлаб иложи борича солиқ тұловчининг жойи (корхона идораси, дўкон, завод ва ҳоказо) га бориб ўтказилади. Солиқ текширувнинг мақсади топширилган декларация ва ҳисботларнинг ҳаққоний ва ишончлилигини текшириш бўлиб, унинг учун эса солиқ тұловчининг ҳақиқиي фаолияти ва бухгалтерия ҳужжатлари билан бевосита танишиш зарур деб ҳисбланди.

Солиқ тұловчи ноқонуний хатти-ҳаракатларни амалга ошираётган бўлса-да унинг амалга ошириш усули ва ушбу хатти-ҳаракатни аниқлаш учун калаванинг учи нима ва қаердалигини билиб бўлмайди.

Бундан ташқари бошидан бухгалтерия ҳужжатларини текшириб хатоларни топилса-да, солиққа оид ҳуқуқбузарликни аниқлаб олиш қийин.

Шунинг учун, олдин солиқ тұловчи олиб бораётган фаолиятнинг ҳақиқиий аҳволи билан танишиб кейин бухгалтерия ҳужжатлари текширилади.

В) Солиқ текшируви якуни бўйича баённома тузиш. Текширув якунлангач, текширилган давр, текширув ўтказилган муддат, текширув жараёни (сұхбатлашилган шахс, текширилган ҳужжатлар ва ҳоказо) ҳақидаги маълумотлардан ташқари, ҳуқуқбу-

зарлик ва хатолар бор-йўқлиги, усули ва суммаси каби натижалар қайд этилган текширув якуни бўйича баённома тузилиб, давлат солиқ бошқармаси ёки инспекцияси раҳбари томонидан маъқулланади. Лекин солиқ тўловчининг имзоси талаб қилинмайди.

Г) Қайта (тўғриланган) декларация топшириш ва солиқни тўғри белгилаш ҳақида бўйруқ. Текширув якуни бўйича тузилган баённома маъқуллангач, олдин топширилган декларацияда хато ва камчиликлар аниқланган бўлса, уларни тузатиб декларация (тўғриланган декларация) топширитирилади.

Солиқ тўловчи текширув натижасидан норози бўлиб қайта (тўғриланган) декларация топширмаса, давлат солиқ бошқармаси ёки инспекцияси раҳбари номидан текширув натижаларига биноан ҳисобланган даромад суммаси, солиққа тортиш базаси ва унга тўғри келадиган солиқ суммаси ёзма равишда белгиланиб (солиқни тўғри белгилаш ҳақида бўйруқ сифатида) солиқ тўловчига юборилади.

Назорат саволлари:

1. Солиқ текширувлари дастури нима мақсадда тайёрланади ва унда нималар акс эттирилади?
2. Режали солиқ текширувларида текширув обьектлари нималар ҳисобланади?
3. Якка тартибдаги тадбиркорлар фаолиятини текширишда қайси масалалар ўрганилади?
4. Солиқ текшируви ўтказиш тўғрисидаги бўйруқда нималар акс этади?
5. Хўжалик юритувчи субъект фаолиятини текшириш учун унинг раҳбари ёки якка тартибдаги тадбиркорга қандай ҳужжатлар тақдим этилиши шарт?
6. Солиқ текширувлари натижаси бўйича қандай ҳужжат расмийлаштирилади?

СОЛИҚ ТЕКШИРУВЛАРИ БИЛАН БОГЛИҚ АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАР ВА УЛАРНИНГ ТАЪРИФЛАРИ

Бошқа мажбурий тўловлар – Солиқ кодексида белгиланган давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий пул тўловлари, божхона тўловлари, шунингдек ваколатли органлар ҳамда мансабдор шахслар томонидан юридик аҳамиятга молик ҳаракатларни тўловчиларга нисбатан амалга ошириш учун шу жумладан, муайян ҳуқуқларни ёки лицензиялар ва бошқа рухсат берувчи ҳужжатларни бериш учун тўланиши лозим бўлган йифимлар, давлат божи.

Давлат солиқ хизмати органлари – Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармалари, шунингдек туманлар, шаҳарлар ва шаҳардаги туманлар давлат солиқ инспекциялари.

Давлат божхона органлари – Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, Давлат божхона қўмитасининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри бўйича бошқармалари, божхона комплекслари ва божхона постлари.

Жисмоний шахслар – Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет давлатлар фуқаролари, шунингдек фуқаролиги бўлмаган шахслар.

Камерал назорат – солиқ тўловчи томонидан белгиланган тартибида тақдим этилган молиявий ва солиқ ҳисоботини, шунингдек солиқ тўловчининг фаолияти тўғрисида давлат солиқ хизмати органидаги мавжуд бошқа ҳужжатларни ўрганиш ҳамда таҳлил этиш асосида амалга ошириладиган назорат.

Комплекс текшириш – бир вақтнинг ўзида икки ва ундан ортиқ назорат қилувчи органлар томонидан амалга ошириладиган текшириш.

Муқобил текширув – операциялар бирлиги туфайли ўзаро боғланган ва турли солиқ тўловчиларда бўлган ҳужжатларни таққослашдан иборат текширув.

Молия-хўжалик фаолиятини текшириш (тафтиш қилиш) – солиқ ва валюта тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш мақсадида хўжалик юритувчи субъектларнинг бухгалтерия, молия, статистика, банк ҳамда бошқа ҳужжатларини ўрганиш ва таққослаш.

Молия органлари – Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг молия бошқармалари, туман ва шаҳар ҳокимликларининг молия бўлимлари.

Нотижорат ташкилотлари – фойда олишини фаолиятининг асосий мақсади қилиб олмаган ва олингандарни ўз қатнашчилари (аъзолари) ўртасида тақсимламайдиган юридик шахслар.

Назорат тартибида текшириш – хўжалик юритувчи субъектларнинг илгариги текширишда кўрсатилган қоидабузарликларни бартараф этиши устидан назорат қилувчи органлар амалга оширадиган текшириш.

Назорат қилувчи органлар – хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилишга қонун ҳужжатлари билан ваколат берилган вазирликлар ва идоралар.

Нақд пул тушуми келиб тушишининг хронометражи – нақд ҳисоб-китоб асосида товарлар реализация қиладиган ёки хизматлар кўрсатадиган солиқ тўловчи ҳузурида бевосита товарлар реализация қилинадиган, хизматлар кўрсатиладиган жойда давлат солиқ хизмати органи томонидан ўtkазиладиган солиқ назоратининг бир шаклидир.

Режадан ташқари текшириш – назорат қилувчи органлар томонидан қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибида ва ҳолларда амалга ошириладиган йиллик (чораклик) текширишлар режасига киритилмаган текшириш (шу жумладан, қисқа муддатли текшириш).

Солиқлар – Солиқ кодексида белгиланган, муайян миқдорларда ундириладиган, мунтазам, қайтариб берилмайдиган ва бефараз хусусиятга эга бўлган, бюджетга йўналтириладиган мажбурий пул тўловлари.

Солиқ тўловчилар – Солиқ кодексига мувофиқ зиммасига солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш мажбурияти юклатилган жисмоний шахслар, юридик шахслар ва уларнинг алоҳида бўлинмалари.

Солиқ агентлари – Солиқ кодексига мувофиқ зиммасига солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқариш, солиқ тўловчидан ушлаб қолиш ҳамда бюджетга ва давлат мақсадли жамғармаларига ўтказиш мажбурияти юклатилган шахслардир.

Солиқ тўловчининг вакиллари – қонунга ёки таъсис ҳужжатига мувофиқ солиқ тўловчининг вакили бўлишга ваколатли шахслардир.

Солиқ муносабатларининг субъектлари – Солиқ тўловчилар ва ваколатли органлар солиқ муносабатларининг субъектларидир.

Солиқ текшируви – давлат солиқ хизмати органлари томонидан, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда эса прокуратура органлари томонидан амалга ошириладиган солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бажарилишини текширишдир.

Солиқ тўловчи молия-хўжалик фаолиятининг режали солиқ текшируви (тафтиши) – текширувларни амалга оширишнинг назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи маҳсус ваколатли орган томонидан тасдиқланган мувофиқлаштириш режаси асосида ўтказиладиган текширувдир.

Солиқ тўловчининг идентификация рақами- муайян солиқ тўловчи солиқ идорасида ҳисобга қўйилганда унга бериладиган рақам.

Текширишларни рўйхатга олиш китоби – назорат қилувчи ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан ўтказиладиган хўжалик юритувчи субъект фаолиятини текширишлар тўғрисидаги ахборот киритиладиган расмий ҳужжат.

Текшириш – хўжалик юритувчи субъектлар томонидан қонунлар ҳамда улар фаолиятини тартибга солувчи бошқа қонун ҳужжатлари қандай бажарилаётганлигини назорат қилувчи ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг бир марта назорат қилиши.

Хўжалик юритувчи субъект – белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган ҳамда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган юридик ва жисмоний шахс.

Юридик шахс – қонун ҳужжатларига мувофиқ ташкил этилган, ўз мулкида, хўжалик юритишида ёки оператив бошқарувидан алоҳида мол-мулкка эга бўлган ҳамда ўз мажбуриятлари юзасидан ушбу мол-мулк билан жавоб берадиган, мустақил балансига ёки сметасига эга бўлган, ўз номидан мулкий ва шахсий номулкий ҳуқуқларга эга бўла оладиган ҳамда уларни амалга ошира оладиган, мажбуриятларни бажара оладиган, судда даъвогар ва жавобгар бўла оладиган ташкилот.

Якка тартибдаги тадбиркор – тадбиркорлик фаолиятини юридик шахс ташкил этмаган ҳолда, мустақил равишда, ходимларни ёллаш ҳуқуқисиз, ўзига мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган мол-мулк негизида, шунингдек мол-мулкка эгалик қилиш ва (ёки)

ундан фойдаланишга йўл қўядиган ўзга ашёвий ҳуқуқ асосида амалга ошируви жисмоний шахсdir.

Қисқа муддатли текшириш – назорат қилувчи органлар томонидан бир иш куни давомида ўтказиладиган ва хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш билан боғлиқ бўлмаган текширув (кечки ва (ёки) тунги вақтларда фаолият кўрсатувчи (текшириш кунининг соат 18-00 дан эртаси куннинг соат 6-00 гача) хўжалик юритувчи субъектларда қисқа муддатли текширишлар текшириш бошланган пайтдан бошлаб саккиз соат давомида амалга оширилади).

ЎЗЛАШТИРИЛГАН БИЛИМНИ СИНАШ УЧУН ТЕСТ САВОЛЛАРИ

1. Қойида күрсатыб ўтилганларнинг қайси бири солиқ назорати шакллари ҳисобланади?

1. Камерал назорат. 2. Нақд пул тушумлари келиб тушишининг хронометражи. 3. Солиқ текширувлари. 4. Фискал хотиралы назорат-касса машиналарини қўллаш. 5. Давлат даромадига қаратилган мол-мulkни реализация қилишдан тушадиган пул маблағларини давлат даромадига ўз вақтида ва тўлиқ тушишини назорат қилиш.

- A) 1; 3; 4
- B) 2; 4; 5
- C) 1; 2; 4; 5
- D) 1; 2; 3; 4; 5

2. Солиқ текширувига берилган тўғри таърифни кўрсатинг?

А) Солиқ текшируви давлат солиқ хизмати органлари томонидан, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда эса прокуратура органлари томонидан амалга ошириладиган солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бажарилишини текширишdir.

Б) Солиқ тўловчи томонидан белгиланган тартибда тақдим этилган молиявий ва солиқ ҳисоботини, шунингдек солиқ тўловчининг фаолияти тўғрисида давлат солиқ хизмати органидаги мавжуд бошқа ҳужжатларни ўрганиш ҳамда таҳлил этиш асосида амалга ошириладиган текширишdir.

С) Давлат даромадига қаратилган мол-мulkни реализация қилишдан тушадиган пул маблағларини давлат даромадига ўз вақтида ва тўлиқ тушишини назорат қилишdir.

Д) Солиқ тўловчининг солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш мақсадида солиқ тўловчининг бухгалтерия, молия, статистика, банк ҳужжатлари ҳамда бошқа ҳужжатларини ўрганиш ва таққослашdir.

3. Солиқ тўловчининг ҳуқуқи – бу.....

А) Солиқ тўловчиларнинг солиқларни тўлаш жараёнида имтиёз олишга ҳақлилигиdir

Б) Солиқ тўловчиларнинг солиқ муносабатларида иштирок этиш имкониятларининг қонуний нормалариdir

С) Солиқ тұловчиларнинг тұлаши лозим бўлган солиқларни солиқ идоралари томонидан ҳисоблаб берилишидир

Д) Солиқ тұловчиларнинг ҳисобланган солиқларни бўнак тарзида тұлаши мумкинлигидир

4. Солиқ тұловчиларнинг объектив ҳуқуқлари деганда нимани тушунасиз?

А) Солиқ тұловчилар томонидан фойдаланиши мумкин бўлган ҳуқуқлари

Б) Солиқ тұловчиларнинг солиқ имтиёзларидан фойдаланиш ҳуқуқи

С) Солиқ тұловчининг солиқ муносабатларига оид қонун нормаларида белгиланган ҳуқуқлари

Д) Давлат солиқ хизмати органларининг Ўзбекистон Республикаси «Давлат солиқ хизмати тұғрисида»ги Қонунда белгиланган ҳуқуқий мажбуриятларининг ҳосиласи шаклида вужудга келадиган солиқ тұловчиларнинг ҳуқуқлари

5. Солиқ тұловчиларнинг субъектив ҳуқуқлари деганда нимани тушунасиз?

А) Солиқ тұловчилар томонидан фойдаланиши мумкин бўлган ҳуқуқлари

Б) Солиқ тұловчиларнинг солиқ имтиёзларидан фойдаланиш ҳуқуқи

С) Солиқ тұловчининг солиқ муносабатларига оид қонун нормаларида белгиланган ҳуқуқлари

Д) Давлат солиқ хизмати органларининг Ўзбекистон Республикаси «Давлат солиқ хизмати тұғрисида»ги Қонунда белгиланган ҳуқуқий мажбуриятларининг ҳосиласи шаклида вужудга келадиган солиқ тұловчиларнинг ҳуқуқлари

6. Солиқ хизмати идоралари ходимлари ваколатлари деганда нимани тушунасиз?

А) Солиқ тұловчилардан солиқларни ундириб олишини

Б) Солиқ тұловчилар фаолиятини текшириш ҳуқуқига эга эканлигини

С) Қонун билан белгилаб берилган ҳуқуқларини

Д) Қонун билан белгилаб берилган ҳуқуқ ва мажбуриятлари йиғиндисини

7. Камерал назорат бу – . . .

А) Солиқ тұловчи томонидан белгиланған тартибда тақдим этилған молиявий ва солиқ ҳисоботини, шунингдек солиқ тұловчининг фаолияти тұғрисида давлат солиқ хизмати органидаги мавжуд бошқа ҳужжатларни ўрганиш ҳамда таҳлил этиш асосида амалга ошириладиган назоратдир.

Б) Солиқ тұловчилар томонидан фискал хотирали назорат-касса машиналарининг құлланилиш тартибига риоя этилиши устидан назоратдир.

С) Давлат даромадига қаратылған мол-мұлкни реализация қилишдан тушадиган пул маблағтарини давлат даромадига ўз вақтида ва тұлық тушишини назорат қилишdir.

Д) Солиқ тұловчининг солиқ тұғрисидеги қонун ҳужжатлары га риоя этилиши устидан назораттн амалга ошириш мақсадида солиқ тұловчининг бухгалтерия, молия, статистика, банк ҳужжатлари ҳамда бошқа ҳужжатларини ўрганиш ва таққослашдир.

8. Солиқ тұловчи камерал назорат натижасида аниқланған солиқтар ва бошқа мажбурий тұловлар бүйіча тузатылған солиқ ҳисоботини талабнома олинған кундан эътиборан неча күнлик муддатда солиқ идораларига тақдим этиши шарт?

- А) Ын күнлик
- Б) Беш күнлик
- С) Бир ойлик
- Д) Ын беш күнлик

9. Нәқд пул тушуми келиб тушишининг хронометражи солиқ тұловчиларнинг қайси обьектіде ўтказилади?

- А) Ишлаб чиқариш цехларida
- Б) Товарлар сақланадиган омборхоналарда
- С) Нәқд ҳисоб-китоб асосида товарлар реализация қилади-ган ёки хизматлар күрсатадиган солиқ тұловчининг бевосита товарлар реализация қилинадиган, хизматлар күрсатыладиган жойда
- Д) Корхона бухгалтериясида

10. Нәқд пул тушуми келиб тушишининг хронометражини ўтказиш тұғрисидеги буйруқда құйидагиларнинг қайси бири күрсатылыш шарт?

А) Хронометраж ўтказиладиган солиқ түловчи, хронометраж-ни ўтказиш жойи ва муддати

Б) Хронометраж ўтказиладиган давр, хронометраж ўтказиш түғрисида қарор қабул қилинишига сабаб бўлган тафовут

С) Хронометраж ўтказадиган Давлат солиқ хизмати органи мансабдор шахсларининг фамилияси, исми ва шарифи

Д) Барча жавоблар тўғри

11. Фискал хотириали назорат-касса машинаси техник жиҳатдан вақтинча носоз бўлган ёки электр энергияси бўлмаган тақдирда нақд пул билан ҳисоб-китоб қилишни харидорларга қандай ҳужжатларни бериш орқали амалга оширишга йўл қўйилади?

А) Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тасдиқланадиган квитанциялар

Б) Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тасдиқланадиган чипталар

С) Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тасдиқланадиган талонлар

Д) Барча жавоблар тўғри

12. Фискал хотириали назорат-касса машиналарини қўллашда қўйидагиларнинг қайси бири мажбурий ҳисобланади?

1. Фискал хотириали назорат-касса машинасини фаолият амалга оширилаётган жойдаги давлат солиқ хизмати органларида фискал хотириали назорат-касса машинасининг рўйхатдан ўтказиш карточкаси берилган ҳолда рўйхатдан ўтказиш.

2. Фискал хотириали назорат-касса машиналарига техник хизмат кўрсатишни йўлга қўйиш.

3. Фискал хотириали назорат-касса машиналарининг чекини истеъмолчига бериш.

4. Давлат солиқ хизмати органлари мансабдор шахсларининг фискал хотириали назорат-касса машинасини текширишига рухсат этиш.

А) 1; 3; 4

Б) 2; 4

С) 1; 2; 4

Д) 1;2; 3; 4

13. Солиқ текшируви шаклларини қўрсатинг.

- А) Режали солиқ текшируви, режадан ташқари солиқ текшируви, муқобил текширув
- Б) Тафтиш ва қисқа муддатли текширув
- С) Камерал назорат, нақд пул тушумлари келиб тушишининг хронометражи, фискал хотирали назорат-касса машиналарини қўллаш
- Д) Режали солиқ текшируви, қисқа муддатли текширув, камерал назорат

14. Солиқ тўловчининг молия-хўжалик фаолияти текшируви (тафтиши)га берилган тўғри таърифни қўрсатинг.

- А) Солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш мақсадида солиқ тўловчининг бухгалтерия, молия, статистика, банк ҳужжатлари ҳамда бошқа ҳужжатларини ўрганиш ва таққослашдир.
- Б) Солиқ тўловчининг молия-хўжалик фаолиятини текшириш билан боғлиқ бўлмаган, унинг айрим операцияларининг солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги текширувидир.
- С) Давлат солиқ хизмати органлари томонидан, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда эса прокуратура органлари томонидан амалга ошириладиган солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бажарилишини текширишдир.
- Д) Солиқ тўловчи томонидан белгиланган тартибда тақдим этилган молиявий ва солиқ ҳисоботини, шунингдек солиқ тўловчининг фаолияти тўғрисида давлат солиқ хизмати органидаги мавжуд бошқа ҳужжатларни ўрганиш ҳамда таҳлил этиш асосида амалга ошириладиган текширишдир.

15. Қисқа муддатли текширувга берилган тўғри таърифни қўрсатинг.

- А) Давлат солиқ хизмати органлари томонидан, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда эса прокуратура органлари томонидан амалга ошириладиган солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бажарилишини текширишдир.
- Б) Солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш мақсадида солиқ тўловчининг бухгалтерия, молия, статистика, банк ҳужжатлари ҳамда бошқа ҳужжатларини ўрганиш ва таққослашдир.

С) Солиқ тұловчининг молия-хұжалик фаолиятини текшириш билан боғлиқ бўлмаган, унинг айрим операцияларининг солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги текширувидир.

Д) Солиқ тұловчи томонидан белгиланган тартибда тақдим этилган молиявий ва солиқ ҳисоботини, шунингдек солиқ тұловчининг фаолияти тўғрисида давлат солиқ хизмати органидаги мавжуд бошқа ҳужжатларни ўрганиш ҳамда таҳлил этиш асосида амалга ошириладиган текширишdir.

16. Солиқ текшируви турларини кўрсатинг.

А) Камерал назорат, нақд пул тушумлари келиб тушишининг хронометражи, фискал хотирали назорат-касса машиналарини қўллаш

Б) Режали солиқ текшируви, режадан ташқари солиқ текшируви, муқобил текширув

С) Тафтиш ва қисқа муддатли текширув

Д) Режали солиқ текшируви, қисқа муддатли текширув, камерал назорат

17. Солиқ тұловчи молия-хұжалик фаолиятининг режали солиқ текшируви (тафтиши)га берилган тўғри таърифни кўрсатинг.

А) Текширувларни амалга оширишнинг назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи маҳсус ваколатли орган томонидан тасдиқланган мувофиқлаштириш режаси асосида ўтказиладиган текширувидир.

Б) Операциялар бирлиги туфайли ўзаро боғланган ва турли солиқ тұловчиларда бўлган ҳужжатларни таққослашдан иборат текширувидир.

С) Солиқ тұловчининг молия-хұжалик фаолиятини текшириш билан боғлиқ бўлмаган, унинг айрим операцияларининг солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги текширувидир.

Д) Солиқ тұловчи томонидан белгиланган тартибда тақдим этилган молиявий ва солиқ ҳисоботини, шунингдек солиқ тұловчининг фаолияти тўғрисида давлат солиқ хизмати органидаги мавжуд бошқа ҳужжатларни ўрганиш ҳамда таҳлил этиш асосида амалга ошириладиган текширишdir.

18. Муқобил текширувга берилган тўғри таърифни кўрсатинг.

А) Текширувларни амалга оширишнинг назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи маҳсус ваколатли

орган томонидан тасдиқланган мувофиқлаштириш режаси асосида ўтказиладиган текширувдир.

Б) Солиқ тұловчининг молия-хұжалик фаолиятини текшириш билан боғлиқ бўлмаган, унинг айрим операцияларининг солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги текширувидир.

С) Солиқ тұловчи томонидан белгиланган тартибда тақдим этилган молиявий ва солиқ ҳисоботини, шунингдек солиқ тұловчининг фаолияти тўғрисида давлат солиқ хизмати органидаги мавжуд бошқа ҳужжатларни ўрганиш ҳамда таҳлил этиш асосида амалга ошириладиган текширишдир.

Д) Операциялар бирлиги туфайли ўзаро боғланган ва турли солиқ тұловчиларда бўлган ҳужжатларни таққослашдан иборат текширувдир.

19. Солиқ текширувига солиқ текшируви натижасидан ман-фаатдор бўлмаган қўйидагиларнинг қайси бири жалб этилиши мумкин?

- А) Эксперт, таржимон
- Б) Эксперт, холислар
- С) Таржимон, холислар
- Д) Эксперт, таржимон, холислар

20. Қўйида келтирилганларнинг қайси бири режали солиқ тек-ширувини ўтказиш учун асос бўлади?

1. Текширувларни амалга оширишнинг мувофиқлаштириш режасидан олинган кўчирма. 2. Солиқ органи буйруғи. 3. Текшириш ўтказиш дастури. 4. Текшириш ҳуқуқи берилган ходимнинг хизмат гувоҳномаси. 5. Шикоят аризаси

- А) 1; 3; 5
- Б) 2; 4; 5
- С) 1; 2
- Д) 1; 2; 3

21. Қисқа муддатли текширув ўтказиш муддати неча кун?

- А) Бир иш куни
- Б) 5 иш куни
- С) 3 иш куни
- Д) Бир ҳафта

22. Янги ташкил этилган микрофирмалар, кичик корхоналар ва фермер хўжаликларини молия-хўжалик фаолияти бўйича ре-жали солиқ текширувларидан неча йилгача ўтказилмайди?

А) Давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан даст-лабки беш йилда

Б) Давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан даст-лабки икки йилда

С) Давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан даст-лабки уч йилда

Д) Давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан даст-лабки тўрт йилда

23. Солиқ органлари томонидан тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текширишни ўтказиш муддати неча кундан ошмаслиги керак?

А) 31 кун

Б) 30 кун

С) 1 ой

Д) 3 кун

24. Солиқ органлари томонидан хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш ўтказиш муддати истисно тариқасида Кенгаши қарори билан кўпич билан неча кунга узайтирилиши мумкин?

А) 10 кун

Б) 20 кун

С) 30 кун

Д) 3 кун

25. Қайси сана солиқ текшируви бошланган сана деб ҳисобланади?

А) Солиқ тўловчига (унинг вакилларига) ҳужжатли текширув ўтказиш буйруфи тақдим этилган сана

Б) Ҳужжатли текширув ўтказиш буйруфи чиқарилган сана

С) Ҳужжатли текширув ўтказиладиган корхонанинг текширишлар режа-жадвалига киритилган сана

Д) Ҳужжатли текширув ўтказиш буйругининг текширувчи мансабдор шахсларга тақдим этилган сана

26. Хўжалик юритувчи субъектнинг фаолиятини текшириш учун текшириш ўтказиш йилидан олдинги неча календарь йилдан кўп бўлмаган фаолияти қамраб олиниши мумкин?

- А) 4
- Б) 3
- С) 2
- Д) 5

27. Текширувчи мансабдор шахс Текширишларни рўйхатга олиш китобини тўлдиришдан бош тортса, у текширишга қўйила-дими?

- А) Ҳа
- Б) Йўқ
- С) Текширишларни рўйхатга олиш китобини тўлдиришдан бош тортиш, текширувчининг текширишга қўйилмаслигига асос бўла олмайди
- Д) Тўғри жавоб йўқ

28. Текшириш натижалари солиқ органлари томонидан қандай ҳужжат билан расмийлаштирилади?

- А) Далолатнома
- Б) Аниқланган камчиликларни бартараф этиш тўғрисидаги кўрсатма
- С) Баённома
- Д) Барчаси тўғри

29. Текширувчи орган Текширишларни рўйхатга олиш китобининг қайси устунларини тўлдириши шарт?

- А) 2-7
- Б) 2-5
- С) 8-12
- Д) 6-12

30. Текширилувчи хўжалик юритувчи субъект Текширишларни рўйхатта олиш китобининг қайси устунларини тўлдириши шарт?

- А) 2-7
- Б) 2-5
- С) 8-12
- Д) 6-12

31. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-3619-сонли Фармонига кўра қачондан бошлаб тадбиркорлик субъектларига нисбатан ҳуқуқий таъсир чораларини фақат суд орқали қўлланиш тартиби жорий этилди?

- А) 2005 йил 1 июлдан
- Б) 2005 йил 1 августдан
- С) 2006 йил 1 январдан
- Д) 2005 йил 1 ноябрдан

32. «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизмини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонда тадбиркорлик субъектларига нисбатан фақат суд тартибида қўлланиладиган нечта ҳуқуқий таъсир чоралари белгилаб қўйилган?

- А) 6 та
- Б) 8 та
- С) 5 та
- Д) 10 та

33. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-3619-сонли Фармонига кўра Давлат органларининг ноқонуний қарорлари ёки мансабдор шахсларининг қонунга хилоф ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) натижасида тадбиркорлик субъектига етказилган зарарнинг ўрни давлат органларининг қайси маблағлари эвазига қопланиши белгиланган?

- А) Бюджетдан ташқари жамғарма маблағлари
- Б) Бюджет маблағлари
- С) Ходим иш ҳақи
- Д) Иш ҳақи фонди маблағлари

34. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-3619-сонли Фармонида тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги хўжалик низолари қайси орган томонидан кўриб чиқилиши белгиланган?

- А) Хўжалик суди
- Б) Ҳакамлар суди
- С) Солиқ маслаҳатчилари
- Д) А ва Б

35. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-3665-сонли Фармонига асосан тадбиркорлик субъектлари текшириш натижалари бўйича назорат органларининг тақдимномаларини бажарган, шунингдек етказилган заарларни белгиланган муддатда ва тўлиқ ҳажмда ихтиёрий равишда қоплаган, шу жумладан пенини тўлаган тақдирда.....

- А) Ушбу тадбиркорлик субъектлари текширишлар режа жадвалига киритилмайди
- Б) Уларга нисбатан маъмурий жавобгарлик қўлланилмайди
- С) Уларга нисбатан молиявий жазо чоралари қўлланилмайди
- Д) Улар устидан судга шикоят қилинмайди

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

Ўзбекистон Республикаси қонуnlари

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Т.: «Адолат», 2003 й.
2. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ Кодекси. –Т.: «Адолат», 2009 й.
3. Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги қонуни. №474-I. 29 август, 1997 й.
4. Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат назорати тўғрисида»ги қонуни. №717-I. 24 декабрь, 1998 й.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармон ва қарорлари

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хўжалик юритувчи субъектларни текширишни ташкил қилишни тартибга солиш тўғрисида»ги ПФ-2114-сонли Фармони. 1998 йил 19 ноябрь.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилишни тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-3619-сонли Фармони. 2005 йил 14 июнь.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-3665-сонли Фармони. 2005 йил 5 октябрь.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хўжалик юритувчи субъектларни текширишни ташкил қилишни тартибга солиш тўғрисида» 1998 йил 19 ноябрдаги ПФ-2114-сонли Фармонига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ПФ-3694-сонли Фармони. 2005 йил 28 ноябрь.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган ҳисобот тизимини такомиллаштириш ва уни ноқонуний талаб этганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида»ги ПҚ-100-сонли қарори. 2005 йил 15 июнь.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Банклардаги депозит ҳисоб-варақлардан нақд пул тўловларини узлуксиз таъминлаш кафолатлари тўғрисида»ги ПҚ-147-сонли қарори. 5 август 2005 йил.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик фаолияти юритиш учун рухсатнома турларини қисқартириш ва уларни бериш тартиб-қоидаларини соддлаштириш тўғрисида»ги ПҚ-186-сонли қарори. 2005 йил 29 сентябрь.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги ПҚ-1045-сонли қарори. 2009 йил 22 декабрь.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республика солиқ органлари тизимини янада модернизация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-1257-сонли қарори. 2010 йил 8 январь.

14. Постановление Президента Республики Узбекистан. «О мерах по дальнейшей оптимизации структуры государственного налогового комитета Республики Узбекистан». ПП. №-1290. 25 февраля 2010 года.

Ҳукумат қарорлари ва Молия вазирлиги ҳамда Давлат солиқ қўмитасининг меъёрий ҳужжатлари

15. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Хўжалик юритувчи субъектларни текширишни ташкил қилишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ВМҚ-496-сонли қарори. 1998 йил 27 ноябрь.

16. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси чакана савдо қоидаларини ҳамда Ўзбекистон Республикасида умумий овқатланиш маҳсулотларини (хизматларини) ишлаб чиқариш ва сотиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги ВМҚ-75-сонли қарори. 2003 йил 13 февраль.

17. «Назорат қилувчи органлар томонидан ўтказиладиган, тадбиркорлик субъектлари – юридик шахслар фаолиятини текширишларни мувофиқлаштириш тартиби тўғрисида» НИЗОМ (Адлия вазирлигига 2006 йил 5 майда 1573-сон билан рўйхатга олинган).

18. «Назорат қилувчи органлар томонидан якка тартибдаги тадбиркорлар фаолиятини текширишларни ташкиллаштириш тартиби тўғрисида» НИЗОМ (Адлия вазирлигига 2007 йил 3 сентябрда 1712-сон билан рўйхатга олинган).

19. «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш ва Текширишларни рўйхатга олиш китобини юритиши тартиби тўғрисида»ги НИЗОМ (Адлия вазирлигига 29 декабрь 2006 йил 1650-сон билан рўйхатга олинган).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари ва маъruzalari

20. **Каримов И.А.** Жаҳон молиявий-иқтисодий инқизози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. –Т.: «Ўзбекистон», 2009 й.

21. **Каримов И.А.** Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаравонлигини янада юксалтиришдир. –Т.: «Ўзбекистон», 2010 й.

22. **Каримов И.А.** Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир. Халқ сўзи. 28 январь 2010 йил.

Махсус адабиётлар

23. **Миронова О.А.** Налоговое администрирование. Учебное пособие, –М.: 2005 глава 5.

24. **Лермонтов Ю.М.** Налоговые проверки по новому. Учебное пособие, Индекс-Медиа, –М.: 2007, главы 2-4-5.

25. **Хван Л.Б.** Налоговое право. –Т.: «Консаудинформ», 2001 г.

26. **Юткина Т.Ф.** Налоги и налогообложение. Учебник, –М.: «Инфра – М», 2001 г.

27. **Черник Д.Г., Починок А.Л., Морозов В.Л.**, Основы налоговой системы. –М.: ЮНИТИ, 2000 г.

28. **Александров И.М.** Налоги и налогообложение. Учебник, –М.: «Дашков и К», 2007, глава 6.

29. **Аронов А.В., Кашин В.А.** Налоги и налогообложение. Учебное пособие, Магистр, М.: 2007, глава 10

30. **Кочур О.В.** Налоги и налогообложение. Учебное пособие, КНОРУС, –М.: 2007, глава 1.

31. **Борьян Ю.** Налоги и налогообложение. Учебное пособие (Основные изменения в налогообложении России в 2006 году). ЗАО «Экономика», –М.: 2006, глава 2.

32. Энциклопедия налоговых ошибок. –М.: 2004.

33. Налоги. Учеб. пос. – 5-е изд., перераб и доп / под. Ред. О.Г. Черника. –М.: 2001.

34. **Ходиев Б.Ю., Бекмородов А.Ш., Фофуров У.В., Тўхлиев Б.К.** Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқизози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишининг йўллари ва чоралари» номли асарини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. –Т.: Иқтисодиёт, 2009 й.

35. **Ортиқов А.А.** ва бошқалар. Хуфёна иқтисодиёт. –Т.: 2002 й.

36. **Рўзиев F.** Солиқ назорати. Ўқув қўлланма. –Т.: 2007 й.

Интернет сайтлари

<http://www.soliq.uz/>

<http://www.lex.uz/>

<http://www.mf.uz/>

<http://www.norma.uz/>

МУНДАРИЖА

КИРИШ	3
I. ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАР ФАОЛИЯТИДА СОЛИҚ НАЗОРАТИ ВА УНИ ТАШКИЛ ЭТИШДА СОЛИҚ ТЕКШИРУВЛАРИНИНГ ТУТГАН ЎРНИ	4
1.1. Солиқ назоратини ташкил этишнинг объектив зарурлиги	4
1.2. Солиқ назоратининг шакллари	5
1.3. Солиқ текширувининг моҳияти ва аҳамияти	5
1.4. Солиқ текшируви ўтказиладиган хўжалик юритувчи субъектлар ва текширув объектлари	10
1.5. Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида солиқ текшируви- нинг муҳимлилиги ва унинг ўзига хос хусусиятлари	14
II. СОЛИҚ ТЕКШИРУВИ ШАКЛЛАРИ ВА ТУРЛАРИ	17
2.1. Солиқ текшируви шакллари	17
2. 2. Солиқ текширувларининг турлари	18
III. ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАР ФАОЛИЯТИНИ ТЕКШИРИШЛАРНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШ	21
3.1. Текширишларни мувофиқлаштиришнинг мақсад ва вазифалари	21
3.2. Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш ваколати берилган органлар	22
3.3. Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши ва унинг асосий вазифалари	24
Солиқ органларининг Кенгаш (вилоят комиссиялари) билан қўшимча келишувсиз амалга ошириладиган назорат функциялари	26
3.4. Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текширишнинг асосий принциплари ва қоидалари	27
3.5. Текширишлар ўтказиш шартлари	27
Солиқ текширувларини ўтказишга доир қўшимча шартлар	32
IV. СОЛИҚ ТЕКШИРУВЛАРИНИНГ ТАШКИЛИЙ- ХУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ	34
4.1. Солиқ текширувларини ўтказиш учун асослар	34
4.2. Солиқ текширувларини ўтказиш муддатлари ва даврийлиги	37

V. СОЛИҚ ТЕКШИРУВИ ИШТИРОКЧИЛАРИ ҲАМДА УЛАРНИНГ ҲҮҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ	39
5.1. Солиқ текширувларининг иштирокчилари	39
5.2. Солиқ органларининг текширувчи мансабдор шахсларига қўйиладиган талаблар	42
5.3. Солиқ текширувлари жараёнида солиқ органлари мансабдор шахсларининг ҳўқуqlари ва мажбуриятлари	43
5.4. Текширилаётган хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳўқуqlари ва мажбуриятлари	47
5.5. Текширишларни рўйхатга олиш китоби ва уни тўлдириш тартиб қоидалари	49
VI. ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКTLAR ФАОЛИЯТИНИ ТЕКШИРИШ ТАРТИBLARI	52
6.1. Юридик шахслар молиявий-хўжалик фаолиятини текшириш тартиблари	52
6.2. Якка тартибдаги тадбиркорлик фаолиятини текшириш тартиблари	55
Солиқ текширувлари билан боғлиқ асосий тушунчалар ва уларнинг таърифлари	63
Ўзлаштирилган билимни синаш учун тест саволлари	67
Фойдаланилган адабиётлар	78

Ўқуев-услубий нацир

СОЛИҚ НАЗОРАТИ

Мұхаррір
Гавҳар МИРЗАЕВА

Тех. мұхаррір
Вера ДЕМЧЕНКО

Бадий мұхаррір
Үйғун СОЛИХОВ

Мусаҳҳих
Маъмурә ҚҰТЛИЕВА

Компьютерда саҳифаловчи
Феруза БОТИРОВА

Босишга 27.08.2010 й.да рухсат этилди. Бичими 84x108 1\32.

Босма тобоғи 2,625. Шартли босма тобоғи 4,41.

Гарнитура «LexTimes Cyr+Uzb». Оффсет қофоз.

Адади 430 нусха. Буюртма № 58.

Баҳоси келишилган нархда.

«Янги аср авлоди» НММда тайёрланди.

«El-Press» МЧЖда босилди.

100113. Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол кўчаси, 60.

Мурожсаат учун телефонлар:

Нашр бўлими – 278-36-89; Маркетинг бўлими – 128-78-43
факс — 273-00-14; e-mail: yangiasravlod@mail.ru